Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 53 (20. 620) • 1990 йил 3 март, шанба • Баҳоси 3 тийин.

САЙЛОВЧИЛАРГА

Ҳурматли сайловчи ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга биноан 4 март, якшанба куни икки нафардан кўпроқ халқ депутатлигига номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган сайлов округларида такрорий сайлов бўлади. Такрорий сайловда бюллетенларга икки халқ депутатлигига номзод ёзилади. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодга нисбатан кўпроқ овозини олган халқ депутатлигига номзод сайланган деб ҳисобланади.

Такрорий сайлов ўтказилган кунда шуни назарда тутиш керакки, сайлов бюллетенлари овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш бўлмаси ёки хонасида тўлдирилади, овоз бёрувчи ўзи қарши овоз бераётган номзоднинг фамилиясини ўчириб бюллетенда бир кишини қолдириши керак. Ана шу талабга риоя этилмаса, бюллетень бекор қилинади ва сайлов натижалари аниқланаётганида ушбу бюллетень ҳисобдан чиқариб ташланади. Агар бюллетенда депутатликка иккала номзод фамилияси ўчирилган бўлса, бундай бюллетень ҳақиқий деб ҳисобланади, айни вақтда шуни назарда тутиш керакки, сайловчи ҳар бир номзодга қарши овоз берган бўлади. Сайловчилар бюллетенга қўшимча тарзда ёзиб қўйган гражданларнинг фамилиялари юзасидан овозлар ҳисобга олинмайди.

Тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари барча сайловчиларга мурожаат қилиб, такрор сайловда фаол қатнашишни, ўзларининг гражданлик ва ижтимоий бурчини адо этишни илтимос қилади.

ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

Партия ташкилотларида ўтадиган ҳисобот ва сайловлар КПСС XXVIII съездига тайёргарлик жараёнида муҳим босқич бўлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси навбатдаги ҳисобот ва сайловлар тадбирларини ўтказиш муддатларини белгилаб берди. Шу йилнинг 10 мартидан 15 апрелигача партия комитетлари ҳамда партия бюролари бўлган цех ва бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, апрель — май ойларида шаҳар ва районларда, май ойида эса областларда партия конференциялари ўтказилади. Партия группаларида, шунингдек камида 15 нафар КПСС аъзоси бўлган цех ва бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини белгилаш шаҳар ва район партия комитетлари ихтиёрига топширилди.

Партия ҳаётидаги бу муҳим даврда партия ташкилотлари, сайлаб қўйиладиган партия органлари ва коммунистларнинг қайта қуришнинг ҳозирги босқичида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги муҳим масалалар кўриб чиқилади. Ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазиятни қатъий ҳисобга олган ҳолда сайлаб қўйилган органлар, шунингдек унинг ҳар бир аъзоси фаолиятига принципиал баҳо берилади. Йиғилишлар ва конференцияларда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави, Ўзбекистон Компартиясининг сиёсий ҳаракат программаси лойиҳалари, партия ташкилотларининг ана шундан келиб чиқадиган вазифалари кенг муҳокама қилинади. Партия ташкилотлари шунингдек, КПСС XXVII съездидан кейинги даврда партия ичида қайта қуриш ва янгиланишнинг борши, жамиятни демократиялаш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш соҳасида амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил қилишга даъват этилганлар.

Ҳозир ҳамма жойда ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик авж олдириб юборилди. Бу — партия ташкилотлари ҳаётининг барча қирраларини алоҳида эътибор, ғоят синчковлик билан кўздан кечириб чиқиладиган даврдир. Энг муҳими, кейинги тўрт йилда партия ички ҳаётида рўй берган туб ўзгаришлар, унинг иш фаолияти усул ва услублари ночоғли янгиланганлиги, партия ичида демократияни ривожлантириш, коллектив раҳбарликни амалга ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, назоратни, ишга масъулиятли муносабатни кучайтириш борасида қилинган ишлар атрофлича таҳлил этилиши, тажрибалар умумлаштирилиб, хато ва камчиликларни келтириб чиқарган сабаблар чуқур ўрганилмоғи даркор.

Партиянинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш йўналишида белгилаб берган вазифалари ҳар бир партия ташкилотини ишга ижодий ёндашишга ундайди. Бу ерда гап иқтисодиётни қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали шакллари асосида ишлаб чиқаришни интенсивлаш, планлаштиришни такомиллаштириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш юзасидан қилинган ишлар ҳақида боряпти.

Иш услубини такомиллаштириш, биринчи навбатда ишбилармонликни қарор топтириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Партия ваъдабозлик бардам топсину, амалий иш натижалари, масъулият ва принципиаллик кўпроқ бўлсин, деб тапаб қилмоқда. Ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик кўрилар экан, коллектив тажрибасини умумлаштириш, ишга халқит берайтган барча камчиликларни аниқлаш ва уларни тугатиш чораларини кўриш лозим.

Ўз фаолиятини самарадорлик нуқтаи назаридан ёндашиб таҳлил этаётган партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлар тўғри иш қилмоқдалар. Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ишини тубдан қайта қуриш тўғрисида жуда кўп таклифлар ва танқидий мулоҳазалар айтилган эди. Улар тўла амалга оширилдими! Қилинган ишлар қандай натижа берди! Ижроии назорат қилиш ва текшириш билан боғлиқ ана шундай ва бошқа кўплаб масалаларни ҳисобот ва сайловлар кунигача ҳар томонлама кўриб чиқиш ҳамда коммунистлар билдирган барча фойдали ва қизиқарли таклифлар қоғозда қолиб кетмаслиги учун қўшимча тадбирларни белгилаб амалга ошириш ҳар бир партия ташкилотининг шу кунги вазифасидир.

Партия ишини муваффақиятли олиб бориш энг аввало, коммунистларнинг фаоллиги ва жанговарлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури лойиҳасида ҳар бир коммунистнинг ўз бурчига, партия қарорларини бажаришга фаол иштирокини таъминлаш зарурлиги қизил ип бўлиб ўтган. Чирчиқ, Маргилон ва Урганч шаҳарлари, Оржоникидзе, Норин ва бошқа районларда Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокама этилаётган йиғилишларда коммунистларнинг ҳисоботларини эшитиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бухородаги ипгазлама комбинати, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи партия ташкилотларида коммунистлар ўз вазифаларини қандай бажараётгани, қандай ишлаётгани ғоят синчиклаб таҳлил этилянти, пассив коммунистларнинг ўз ишларида ўзгариш ясашлари учун ёрдам берилмоқда.

Ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик жараёнида кадрларга доир етилган муаммоларни чуқурроқ таҳлил этиш имкониятлари ҳам бор. Ҳар бир партия аъзосининг эрини хоҳиш-иродасини таъминлаб демократик воситалар орқали сайлаб қўйиладиган раҳбар партия органларини тузиш, уларни янги кучлар билан тўлдириш учун олдиндан ана шу ўринларга номзодларни танлаш шундай масалалардан биридир. Ҳар бир партия коллективида партия комитети ёки бюро аъзолигига мос, тажрибали, ишчан ходимлар бор, албатта. Марказий Комитет Ҳаракат дастури лойиҳасида ана шундай кишиларни бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарлигидан раҳбар орган аъзолигигача сайлаш мумкинлигига эътибор берилган. Масъулиятли вазифаларга аёлларни ва келажаги порлоқ ёш ходимларни дадиллик билан кўтараверишлозим.

Ҳисобот ва сайловларда партия конференцияларига, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ҳамда КПССнинг XXVIII съездига делегатлар состави ҳам белгиланади. Куни кеча КПСС Марказий Комитети партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси «КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби» лойиҳасини матбуотда эълон қилди. Ушбу лойиҳада партия ички демократияси ва ошкоралик янада ривожлантирилди. Редакцияга келаётган хатларда коммунистлар съезд делегатлигига номзодларни бошланғич партия ташкилотлари кўрсатиши қонда қилиб қўйилганлигини зўр қониқиш билан маъқуллаётганликлари таъкидланмоқда. Лойиҳада кам сонли ташкилотларнинг коммунистлари бу имкониятларни район, шаҳар партия комитетлари ўтказадиган қўшма мажлисларда амалга оширишлари мумкин эканликлари қайд этилди. Партия ташкилотлари делегатликка номзодни танлаётганда уларнинг сиёсий ва маънавий фазилатларига холис баҳо беришга, беллашувни, муқобилликни таъминлашга даъват этилганлар. Номзодлар қайта қуриш жараёнида ўзларини ижобий жиҳатдан кўрсатган ҳамда партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашишга лаёқатли бўлган, обрўли партия аъзолари, ишчилар синфи, деҳқонлар ҳамда зиёлиларнинг муносиб вакиллари бўлишлари айниқса, муҳимдир.

Ҳисобот ва сайловлар партиянинг асосий бўлган бошланғич ташкилотларидан бошланади. Партия сиёсати асосан шу ерда амалий ишларда намоён бўлади. Коммунистларнинг йиғилиши принципиаллик ва ишчанлик билан, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтиши учун унга сира ҳам кечиктирмай пухта тайёргарлик кўриш, ишни янада яхшилашнинг амалий йўл-йўриқлари ҳақида коммунистлар билан олдиндан маслаҳатлашиб олиш керак. «Афсуски, чуқур таҳлилсиз, қуруқ баёнчиликдан иборат ва ҳеч кимга фойда бермайдиган докладлар, ҳамма нарса силлиқ қилиб кўрсатиладиган танқидсиз музокаралар ҳалигача барҳам топгани йўқ, — деб ёзади редакцияга Нукус шаҳридан А. Матчонов. — Бундай эскича усул ва андозалар билан йиғилишлар ўтказишнинг энди умри тугади».

Кекса коммунист ҳақ гапни айтяпти. Партиявий иш тубдан қайта қурилаётган ҳозирги даврда расмиятчилик, муҳокамани силлиқлаш, ўткир ва етилган муаммоларни четлаб ўтиш каби ҳоллар билан энди келишиб бўлмайди. Айниқса, танқидни бўғиш каби иллатлар тагтомири билан йўқотилиши керак. Йиғилишларни шундай олиб борши зарурки, токи ҳар бир партия аъзоси ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, муҳокама этилаётган масала юзасидан таклиф ёки танқидий фикрларини эркин ва ошкора айта оладиган бўлсин. Шунга эришмоқ керакки, партия йиғилишлари ва конференциялари партия ҳаётининг ленинча нормаларини тиклаш ва мустаҳкамлаш, партия ички демократиясини, коммунистларнинг роли, фаоллиги ва ташаббускорлигини, уларнинг ўз ташкилотлари ва умуман партиянинг жамиятда тутган ўрни учун масъулиятини оширишга хизмат қилсин. Бу галги ҳисобот ва сайловлар партиянн тубдан янгилаш ва унинг ишини бутунлай қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичи бўлиб қолиши зарур.

Мухбиримиз бонг уради

БАҲОР КУТИБ ТУРМАЙДИ

Одам қачон таажжубга тушади? Қувонганида ёки ғазабланганидами? Буни билмадигу, лекин биз Кегайли район хўжаликларида бўлганимизда боқибеғамликдан таажжубга тушдик. Кўклам бошланиб, дала ишлари авж олиб кетган бир пайтда бу жойдаги техника ремонтининг, механизатор кадрлар тайёрлашнинг ҳозирги аҳволи кишини таажжублантирмай қолмайди. Ахир, баъзи районларда техника тайёрлик чизиғига келтирилиб, деҳқон ҳам, унинг кўмакчиси—механизатор ҳам бошқа баҳорий юмушлар билан банд бўлган бир пайтда, кегайлиликлар устахонада ҳамон ковла-ковла билан шуғулланаётганлигини кўриб, таажжубланмай, қарсак чалайликми? Таассуфки, қарсак чалаётганлар ҳам бор экан.

«Халқобод» совхозида ҳозиргача мавжуд ҳайдов, чопиқ тракторлари, плуглар, сеялка ва экишда қатнашадиган бошқа техниканинг учдан икки қисми ҳам тайёр эмас. Ремонтдан чиқарилган 45 та техникани комиссия қабул қилиб олди. Бироқ қабул қилиш актлари ҳам расмият учун тузилганга ўхшайди.

— Ремонтдан чиқарилган техникани кўрикдан ўтказиш комиссияси тузилганми? — сўраймиз бош инженер Жумабой Шамшетовдан.

Бу савол жавобсиз қолди. Зеро, хўжаликда бугунги ишлар бўйича жавобсиз саволлар анчагина. Бунга на устахона мудири, на ремонтчилар жавоб бера олади.

«Қизил аскар» совхози марказий ремонт устахонасига келиб, таажжубимиз янада ошди. Ремонтчилар ёғинсочин ва совуқда очиқ майдонда меҳнат қилишмоқда. Хўжалик партия комитети секретари А. Гулмонов ҳам, бош инженер Т. Кошанов ҳам бараварига жўр бўлишди: «Қўлимиздан келгани шу». Шу кунгача 15 та ҳайдов, 12 та чопиқ тракторига, 14 та омочга, 3 та сеялкага, мавжуд 39 та пахта териш машинасидан 33 тасига ремонтчиларнинг қўли тегмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

М. Жуманазаров номли совхоз устахонасидаги аҳвол айниқса, ачинарли. Механизаторлар дам оладиган хона қоронғи, ифлос, стол-стуллларнинг юзига қараб бўлмайди. Газета ва журнал ўқиб, шахмат-шашка суриб, дам олиш ўрнига йигитлар карта ўйнаб ўтиришибди. Ахир, картадан бошқа нарса бўлмаса улар нима қилишсин? Шундай бўлгач, улардан самарали меҳнат кутиш мумкинми, ахир, 35 та омочдан 20 таси, 25 та сеялканинг ярми ремонтдан чиқарилмаганлиги ҳам шундан.

Районда таажжубга сабаб бўладиган ишлар ҳам, баҳоналар ҳам кўп. Етакчи мутахассислар тадбиркорлик билан ишламаяптилар. Мавжуд эҳтиёт қисмлардан самарали фойдаланмаяптилар. Тўғри, бир жиҳатдан уларнинг эътирозларини ҳам инобатга олиш керак. Масалан, Тошкент трактор заводи зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда сусткашликка йўл қўймоқда. Аммо ҳамма айбни заводга тўнкаб бўлармикан?

Ҳозир райондаги мавжуд 397 та ҳайдов тракторининг 90 таси, 244 та насосдан 30 таси, 732 та чопиқ тракторидан 100 таси, 280 омочдан 50 таси, 110 та сеялкадан 12 таси созлашга муҳтож. Таажжубланмай бўладими бунга? Созланган техниканинг ярмидан кўпи комиссия томонидан ҳанузгача қабул қилиб олинмаганига-чи? Майлига, пахта териш машиналари, кўрак узиш ва кўсак чувиш агрегатларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини айтмай қўя қолайлик.

Биз-ку бу ҳолдан таажжубландик. Аммо хўжаликлардаги шундай аҳволни кўрабила туриб район партия ва совет ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг таажжубланмаётганлиги д а н янада таажжубдамиз. Ахир, баҳор кутиб турмайди-ку!

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ДАМЛАР

Ўлкамизда баҳор бошланди. Деҳқон-у чўпон учун орзиқиб кутилган дамлар келди. Бу йил жумҳуриятимиз чорвадорлари қўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик билан келишди. Совлиқлар қиши билан яхши парвариш қилинди. Дастлабки натижалар ҳам ёмон эмас.

Айни кунларда Андижон областининг қўйчиликка ихтисослашган хўжаликларида совлиқлар қўзилай бошлади. Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози отарларида 3055 бош совлиқнинг ярмидан кўпи қўзилади. Бу мавсум хўжаликда уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Зеро, чўпонлар жониворларни қишловда меҳр билан парваришлашганди. Шунинг учун ҳам соғлом ва бақувват қўзилар дунёга келмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, қўзилатиш яқин кунлар ичида муваффақиятли якунланади.

Суратда: илғор чўпон Ғафур Нишонов, ветеринария врачи Бахтиёр Каримов, ферма мудири Билолиддин Қаюмов ва колхоз ревизия комиссиясининг аъзоси Нуъмон Мирзаалимов.

Р. АШУРОВ (ЎзТАГ) сурати.

Янгиер колбасалари

● Янгиер аҳолиси дўконларида дудланган колбасаларни кўриб, ниҳоятда ажабланишди. Чунки улар анчадан бери мўл-кўлчилик нималигини билишмасди. Бунинг устига колбасанинг нархи матлубот кооперацияси белгилаб берганидан ҳам анча арзон эди.

Бу «Ўзбекистон» савдо-агросаноат бирлашмасида қудратли колбаса цехи ишга туширилганлигининг натижаси бўлди. Цех ўзининг хом ашё базасига эга ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Уч йил ичида қаддини ростлаб олган ёрдамчи хўжалик йилига 80 тонна чўчқа гўшти етказиб беради. Цехда бир неча навдаги колбасалардан ташқари, сосискалар, дудланган тўш, шунга ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқаришади. Кейинчалик маҳсулот хиллари янада кўпаяди.

Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришни ҳам мўлжаллашмоқда. Цехнинг қуввати бунга имкон беради. Ўшанда областнинг бошқа районларини таъминлашга ҳам маҳсулот етиб ортади. Бироқ, энг аввало, хом ашё базасини мустаҳкамлаш керак. Шу сабабдан ҳозир бирлашмада хўжаликлар билан ўзаро фойдали шартномалар тузишга тайёрланишмоқда.

(ЎзТАГ).

Диққат: фотоконкурс!

СУРАТКАШЛАР, КУЧИНГИЗНИ СИНАНГ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари редакциялари билан ҳамкорликда ФОТОКОНКУРС—90» ни эълон қилади.

Ушбу ижодий баҳсдан кўзда тутилган асосий мақсад — Ўзбекистон меҳнаткашларини эстетик руҳда тарбиялашга кўмаклашиш, жумҳуриятимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида рўй бераётган жараёнлардан хабардор қилиш, фотожурналистлар ва фотосурат мухлисларининг касб маҳоратини оширишдан иборатдир.

Агар сураткашлик билан жиддий шуғулланаётган, бўш вақтларингизни унга бахшида этаётган бўлсангиз, у ҳолда сизларни «ФОТОКОНКУРС — 90» да иштирок этишга таклиф этамиз. Олган энг яхши суратларингизни бизга юборинг.

Суратлар мавзуи жуда хилма-хил бўлиб, улар: «Қайта қуриш: ишлар ва одамлар», «Жаҳон бугунги кунда», «Замондошимиз», «Еримиз осмони мусаффо бўлсин», «Ёшлик ва вақт», «Илм-фан уфқлари», «Инсон — меҳнатчи, бунёдкор, жангчи», «Бизнинг бўш вақтимиз», «Спорт», «Халқ анъаналари ва урф-одатлари» деб аталади.

Суратлар конкурсга чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Улар оқ-қора тасвирда ялтироқ қоғозга туширилган, қисқача изоҳи, муаллифнинг исм-шарифи ва адреси бўлиши лозим. Конверт устига «ФОТОКОНКУРС—90»га деб ёзиб қўйишни унутманг.

Жумҳуриятимизнинг энг яхши фотоусталаридан иборат ҳайъат келган суратларга баҳо беради. Суратлар йиғила бошланган сари улар «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» рўзномаларида эълон қилиниш учун танланади. Суратларнинг кўпи Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг кўргазмалар ойнаси (Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41 дан жой олади.

Конкурс ғолибларини совринлар ва дипломлар кутади. Бош соврин — 300 сўм. Биринчи мукофот — 200 сўм, иккита иккинчи мукофот — 150 сўмдан, иккита учинчи мукофот — 100 сўмдан иборат. Шунингдек, ҳар бири 50 сўмдан 4 та махсус мукофот ҳам белгиланган.

Конкурсга юборилган фотосуратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларига қайтарилмайди. Ишларни қабул қилишнинг охирги муддати — 1990 йил 1 ноябрь.

Маконимиз: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30- уй, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси.



ОСМОН ЖИСМЛАРИ НАЗОРАТДА

Китобдаги кенглик станцияси халқаро программа бўйича иш олиб борувчи станциялардан бири сифатида фаолият кўрсатиб турибди. Станция олимлари ва ходимлари кучли телескоплар ёрдамида самовий жисмларнинг, чунончи олисдаги юлдузлар, метеоритлар, кометаларнинг ҳаракатини кузатиш устида иш олиб бормоқдалар. Тўпланган маълумотлар яна тадқиқот ўтказиш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Астрономия институтига тақдим этилиб турибди.

Суратда: станциядаги телескоплар навбатдаги кузатишлар учун ишга ҳозирланмоқда.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ сурати.

ЎЗГАРИШЛАР БЎЛИШИГА УМИД БОҒЛАБ

ТАСС мухбири М. С. Горбачевга мурожаат қилиб, СССР Олий Советининг 1 март куни бўлган мажлисини шарҳлаб беришни илтимос қилди.

М. С. Горбачев бундай деди: «Кавказорти регионидаги вазиятга бағишланиб иккинчи мажлис бўлиб ўтди. Мажлис ёпиқ бўлганлигини ҳисобга олиб фақат шуни айтишим мумкинки, депутатлар бу ерда юзага келган мураккаб муаммоларни жонкуярлик билан кўриб чиқдилар, одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган фожиали воқеалар ҳақида ачиниб гапирдилар. Фурсатдан фойдаланиб, қариндош-уруғлари ва ёр-дўстлари ҳалок бўлган, ўша январь кунлари бошига офат ва кулфат тушган барча кишиларга яна бир карра ҳамдардлик изҳор этмоқчиман.

Муҳокама чоғида ҳиссиёт ва эҳтиросларнинг ўзи урилиб кетиб баъзи гаплар ҳам айтилди, албатта, лекин депутатлар билдирган фикрларда келажакни ўйлаб иш тутиш кайфияти, озарбайжон ва арманларга бир-бирингизга пешвоз чиқинг, деб айтилган истаклар устун бўлди. Назаримда бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Биз худди ана шу руҳда ишни давом эттириш ва кейинчалик мажлислардан бирида шу масала хусусида қарор қабул қилишга келишиб олдик.

Шунга астойдил умидворманки, совет кишиларининг ҳис-туйғуларини ифода этаётган СССР Олий Совети, халқ депутатларининг кучғайрати Озарбайжон ва Арманистон халқлари ақл-идроки ва кўнглида акс-садо беради. Тез орада яхшилик сари ўзгаришлар бўлади, деб ишонгимиз келади».

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Покистон Ислом Республикасининг парламент делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда, делегацияга парламент миллий ассамблеяси спикери Малик Мерож Холид бошчилик қиляпти. Делегация СССР Олий Советининг таклифига биноан мамлакатимизга келган.

2 март куни делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов қабул қилди. У меҳмонларга республиканинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, Ўзбекистон аҳолисининг қайта қуришдаги иштироки ҳақида сўзлаб берди.

Иккала томон Ўзбекистон ССР билан Покистон ўртасида турли соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқаларни мустаҳкамлашга интилишаётганини баён қилишди.

Суҳбатда СССР Олий Советининг халқ соғлиғини сақлаш комитети раисининг ўринбосари Ю. Н. Беленков, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этдилар. Суҳбатда, шунингдек, Покистон Ислом Республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Саттор ҳам қатнашди.

Меҳмонлар шу куниёқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари дини бошқармасига боришди, делегация аъзолари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Советида

1 март куни СССР Олий Совети палаталарининг қўшма мажлисида Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРдаги вазият ҳақидаги, шунингдек уни нормаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш тугалланди.

(ТАСС).

● Яқинда Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Обкомнинг идеология бўйича аввалги секретари бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг ўрнига янги киши сайланиши лозим эди. Бу лавозимга икки кишининг — «Хоразм ҳақиқати» газетаси муҳаррири Э. Самандаров ва область партия комитетининг ходими К. Иброҳимовларнинг номзодлари кўрсатилди. Ёпиқ-яширин сайлаш натижаларига кўра Э. Самандаров кўп овоз олди ва обком секретари, бюро аъзоси этиб сайланди.

● Партия турмуши: қайта қуриш чорраҳаларида

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДАН ОБКОМГАЧА

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИ САЙЛАШ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРДА ЎТКАЗИЛЯПТИ

ХОРАЗМ область партия комитети пленумининг якуний хулосаси шундан иборат: у ўз навбатида ҳаётимизга янгиланиш, ошкоралик, демократия илдизлари чуқурроқ томир ёзаётганлигининг яна бир далолатидир. Сир эмаски, бундан уч-тўрт йил муқаддам бундай ўзгаришлар ҳақида ҳатто тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишлари, наинки область, балки район партия комитетларининг фаолиятида ҳам ғоят сир сақланиб келинар эди. Кимнинг партия комитети котиблигига тайинланиши кабинетларда, уч-тўрт киши фикри асосида, юқори орган раҳбарларининг кўргазмасига биноан ҳал қилиниб қўйилаверар эди. Ҳайрият бундай иш услубидан тобора воз кечиб борилаётир.

Хоразм область партия комитетининг пленумини ўтказишга ҳар томонлама ҳозирлик кўрилди. Бир қатор номзодлар илгаригидек яширин тарзда эмас, балки тўла ошкоралик асосида ўрганилди. Хусусан обкомнинг 74 аъзоси билан бу мавзуда суҳбат ўтказилди. Кўпчилик Э. Самандаров ва К. Иброҳимовнинг номзодини тавсия қилишди. Уларнинг таржимаи ҳоллари, ҳаракат дастурлари газеталарда эълон қилинди, телевидение ва радио орқали меҳнаткашларга етказилди. Меҳнаткашларнинг номзодлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари сўралди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кишиларнинг фикрига эътибор бериш кўпчиликни бефарқ қолдирмади. Ҳақиқатан ҳам обкомнинг идеология соҳаси бўйича котиблиги катта масъулиятли лавозим. Ҳозирги шароитда бундай ишга одамлар қалбига чуқур кириб борадиган, уларни ўз ортидан эргаштира биладиган оқил кишилар раҳбарлик қилиши лозим.

Эркин Самандаров — таниқли шоир, публицист, драматург. Жамоат ишларида ҳам фаол. У классик шоирларимизнинг бой меросини тиклаш, улар номидаги боғларни барпо этиш ташаббускорларидан. Ўн уч йилдан буён область газетасининг муҳаррири, 55 ёшда.

Комил Иброҳимов ёш бўлсада билимли, ташкилотчи. Мухбирликдан республика маданият министрининг биринчи ўринбосари лавозимигача бўлган босқични ўтаган. Ўтган йили КПСС Марказий Комитети қошидаги Ижтимоий фанлар академиясини тугатди. Тарих фанлари номзоди.

Ҳар иккала номзод ҳақида обкомга 90 та таклиф ва мулоҳазалар тушди. Бир қатор корхоналар ўз коллективлари нуқтаи назарини ифодалаб, хатлар ёзишди. Жамоатчиликнинг фикри кўпроқ К. Иброҳимов томонида бўлди. Ҳар иккала номзоднинг ҳаракат дастурини тинглаган, муҳокама қилган пленум иштирокчилари эса кўп овозни Э. Самандаровга беришди.

— Пленум самимий, ўзаро ҳурмат руҳида, холис вазиятда ўтди, — дейди область партия комитетининг ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири В. Демченко. — Биз фақат вақт масаласида ютқаздик холос. Гап шундаки, номзодларнинг таржимаи ҳоллари, ҳаракат дастурлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган пайтда пленумга уч кун қолган эди. Қисқа вақт ичида шунча кўп оғзаки ва ёзма таклифлар тушди. Агар оралиқда ҳеч бўлмаганда ўн беш кун бўлганида номзодларни муҳокама қилиш янада кенг кўлам, чуқурроқ мазмун касб этиши мумкин эди. Биз буни келгуси ишимизда албатта инобатга оламиз.

Дарҳақиқат, демократия ва ошкоралики эндигина ўрганаяпмиз. Бу йўлда қўйилаётган ҳар бир қадам тарих фанлари номзоди.

Ҳар иккала номзод ҳақида обкомга 90 та таклиф ва мулоҳазалар тушди. Бир қатор корхоналар ўз коллективлари нуқтаи назарини ифодалаб, хатлар ёзишди. Жамоатчиликнинг фикри кўпроқ К. Иброҳимов томонида бўлди. Ҳар иккала номзоднинг ҳаракат дастурини тинглаган, муҳокама қилган пленум иштирокчилари эса кўп овозни Э. Самандаровга беришди.

— Пленум самимий, ўзаро ҳурмат руҳида, холис вазиятда ўтди, — дейди область партия комитетининг ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири В. Демченко. — Биз фақат вақт масаласида ютқаздик холос. Гап шундаки, номзодларнинг таржимаи ҳоллари, ҳаракат дастурлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган пайтда пленумга уч кун қолган эди. Қисқа вақт ичида шунча кўп оғзаки ва ёзма таклифлар тушди. Агар оралиқда ҳеч бўлмаганда ўн беш кун бўлганида номзодларни муҳокама қилиш янада кенг кўлам, чуқурроқ мазмун касб этиши мумкин эди. Биз буни келгуси ишимизда албатта инобатга оламиз.

Дарҳақиқат, демократия ва ошкоралики эндигина ўрганаяпмиз. Бу йўлда қўйилаётган ҳар бир қадам сабоқ бўлиши тайин. Шу тариқа тажриба орттириб борилади. Шуниси диққатга моликки, Хоразм область партия ташкилоти бу масалада дадил ҳаракат қилмоқда. Кейинги уч йилнинг ўзида икки мингдан ортиқ турли лавозимдаги раҳбарлар сайлов йўли билан танлаб олинди. Жумладан, Янгиариқ, Урганч, Ҳазорасп район партия комитетларининг секретарлари ҳам шу тариқа сайланди. Яна бир характерли жиҳати — номзодларни коммунистларнинг ўзлари кўрсатишмоқда.

Масалан, Янгиариқ районида номзодларни танлашдан олдин шу масалага бағишлаб бошланғич партия ташкилотларида йиғилишлар бўлиб ўтди. Фикр билдиришни сўраб коммунистларга 200 га яқин анкета тарқатилди. Улар райкомнинг иккинчи секретарлигига уч кишининг номзодини кўрсатишди. Пленумда райкомнинг идеология бўйича секретари ўз номзодини қайтиб олгач, ташкилий бўлим мудири Ё. Қутлимуродов ва район халқ назорати комитети раиси И. Собировларнинг программалари тингланди. Қизғин мунозара ва муҳокамалардан кейин ўтказилган сайлов натижалари И. Собировнинг кўп овоз олганлигини кўрсатди.

Айрим кишиларда раҳбарларни сайлов йўли билан танлаш маҳаллийчиликка йўл очиб беради, деган шубҳа туғдирмоқда. Тўғри, бундай мулоҳазада ҳам жон бор. Баъзи жойларда шундай кўринишлар сезилиб турди. Бироқ агар киши ҳаётни теран билса, маънавий соф, фаол позицияли ва ишчан бўлса қаерда туғилганлигидан қатъи назар одамлар ишончига сазовор бўлиши тайин. Мисол учун шундай ҳол Урганч районида юз берди. Райкомнинг иккинчи секретарлигига шу ерлик район ижроия комитети раисининг ўринбосари И. Абдуллаев билан яқиндан буён райкомнинг ташкилий бўлимига мудирлик қилаётган, келиб чиқиши Хива районидан бўлган Қ. Нуниёзовларнинг номзодлари кўрсатилди. Иккала номзод ҳам бу лавозимга ҳар томонлама муносиб эди. Лекин пленум аъзолари Қ. Нуниёзовга кўпроқ овоз беришди.

Раҳбарларни демократик йўл билан танлашда муаммо ва камчиликлар ҳам рўй бериб турибди. Баъзи жойларда шошма-шошарликка йўл қўйиляпти, кадрларнинг ишчанлиги эмас, балки анкетавий маълумотларига кўпроқ эътибор берилаётир. Номзодларга ўзларининг энг яхши хислатларини намойиш қилишлари учун шарт-шароит яратилмай қолаяпти. Масалан, юқорида қайд этилган уч райкомда ўтказилган сайловлардан олдин номзодларнинг ҳаракат дастурлари матбуотда эълон қилинмади, аҳоли ўртасида кенг муҳокама этилмади.

Энг муҳими партия ташкилотлари ҳаётига раҳбарларни демократик ва ошкоралик йўли билан сайлаш тобора чуқурроқ кириб бораяпти. Бу қутлуғ ишни изчил давом эттириш, кун сайин такомиллаштириб бориш, ўз навбатида камчиликлардан хулоса чиқариш зарур. Хоразм область партия комитетининг кейинги пленуми шу жиҳатдан ибрат олишга ва ўрганишга моликдир.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

МАЗАЛИ НОН ТАЙЁРЛАНЯПТИ

Чирчиқ нон заводи коллективи пудрат усулида ишлаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин хўжалик юритишнинг янгича усули амалий натижалар бераётганлиги аниқ. Корхонада маҳсулот сифати илгарига нисбатан анча яхшиланди. Меҳнат унумдорлиги ортиб, ишчиларнинг моддий шароитлари ўзгарди.

Иш вақтидан унумли фойдаланиш ва тежамкорликка алоҳида эътибор бериш натижасида новвойлар февраль ойи план топшириқларини ошириб бажаришди.

— Янги технологияни жорий қилганлигимиз бизга кўл келяпти, — дейди завод бош инженери Й. Тўлаганов. — Ҳозир кунига 45—50 тоннадан зиёд нон маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқаряпмиз.

Айни кунларда завод ишчилари шаҳарликлар дастурхонига 12 хил турдаги нон маҳсулотлари етказиб беришмоқда.

З. АВАЗОВА.

ТЕЖАМКОРЛАР АҲДИ

Қашқадарё областидаги Шаҳрисабз автобус-таксомотор парки коллективида 20—25 йилдан бери фаол меҳнат қилаётган Ноил Фозилов, Али Аминов, Шукрулло Нуриддинов, Эркин Йўлдошев ва Маҳамадмурод Фармонов сингари ҳайдовчилар машиналарни моҳирлик билан бошқариб, тежамкорликда ибрат кўрсатишяпти.

Улар кейинги бир йилнинг ўзида 3,5 тоннадан зиёд бензин, минг сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмлар тежаб қолишга эришдилар. Иши билан сўзи бир ҳайдовчилар бу йил охиригача 4—4,5 тоннадан ёнилғи, 1,5 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни тежашга аҳд қилишган.

Тежамкорлар ташаббусини корхонадаги кўпчилик ҳайдовчилар, жумладан ёшлар ҳам қўллаб-қувватлашяпти.

У. МУҲАМЕДОВ.

● Уруш ва меҳнат ветеранлари тобора ижтимоий ҳаётимизда фаолроқ қатнашмоқдалар. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган отахон ва онахонлар ҳалол ва холис маслаҳатлари, иқтисодиётимизни юксалтиришдаги амалий иштироклари билан кўпчиликнинг иззат-ҳурматини қозонишяпти. Жумҳурият Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашига келаётган оғзаки ва ёзма мурожаатлар улар қайта қуриш натижалари учун ўзларини ҳам масъул деб билаётганликлари тасдиғидир.

ҒАМХЎРЛИК АМАЛДА БЎЛСИН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИШ ЛОЗИМЛИГИ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРЛАР ЁМОН БАЖАРИЛМОҚДА

АММО жойларда ветеранларнинг сўров ва аризаларига яхши эътибор берилмаётганлиги уларнинг кўнглига оғир ботмоқда. Уларнинг манфаати ҳар доим ҳам керагича муҳофазаланмаяпти, якка-ёлғиз қолган фуқаролар ҳамда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган аскар бевалари кўпинча эътиборсиз қолаётир.

Ўтган йилнинг июнь ойида жумҳурият ветеранлар кенгашига меҳнат ветерани, иккинчи группа ногирон, жумҳурият аҳамиятига молик шахсий пенсионер А. Зархинадан ариза тушди. Унда аризачининг мурожаатларига Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети ҳамда район социал-таъминот бўлими эътибор қилмаётгани хабар қилинган эди. Хат 26 июнда чора кўриш учун райижрокомга жўнатилди. Аммо аризага белгиланган вақтда жавоб олинмади. Махсус тузилган комиссия эса ишни ўрганиб, райижроком ҳам, бўлим ҳам пенсионернинг мурожаати бўйича ҳеч қандай конкрет иш қилмаганлигини аниқлади.

Бундай фактлар якка-ёлғиз эмас. Уруш ва меҳнат ветеранларининг эҳтиёжларига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари ниҳоятда кўп. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси А. Тўхтабоевдан тушган шикоятда Марғилон шаҳар ижроия комитетида СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг уруш ва меҳнат ветеранларининг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича қўшимча чоратадбирлар кўриш ҳақидаги қарори ёмон бажарилаётганлиги хабар қилинган эди. Ушбу ҳужжатда уруш ногиронлари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг шахсий уйларини ремонт қилишда маҳаллий бюджетдан маблағ сарфлашга рухсат этилган. Шунга қарамай, Тўхтабоевнинг ҳақли талаби бир йил мобайнида ҳал этилмаган. Бу ўринда ҳам талабни амалга ошириш учун республика Ветеранлар кенгашининг аралашуви лозим бўлди. «Мен уруш ветераниман, Урганч шаҳридаги 236-уйда истиқомат қиламан, — деб ёзади Саидхонов. — Уйимиздаги водопровод трубаси ёрилиб кетди. Хоналаримизни сув қоплади. Аммо область водоканали, шаҳар партия ва совет ташкилотларига мурожаатимиз фойда бермаяпти тегишли чора-тадбир кўрилмаётир». Урганч шаҳар ижроия комитети раиси номига телеграмма юборилди, аҳвол тушунтирилди. Шундан кейингина уруш ногиронининг илтимоси қондирилгани ҳақида хабар олинди.

Албатта, ветеранлар тегишли ташкилотлар олдига асоссиз масала қўяётганлари йўқ. Уларнинг ижро этилиши тегишли қарорларда кўзда тутилган. Табиийки у ҳукумат йўли билан бажарилиши керак. Аммо сўровларнинг бажарилиши аксарият пайсалга солинаётгани ҳақли равишда норозиликлар туғдирмоқда.

1988 йилда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ҳамда Иттифоқ ҳукумати ветеранларнинг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича икки марта қарор қабул қилди. Улар учун интернат уйлар қурилишини тезлаштириш вазифалари белгиланди. Ногиронлар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари учун арзон нархда махсус маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ветеранларга медицина, савдо ва социал-маиший хизматни яхшилаш кўзда тутилди. Республика партия ва ҳукумати ҳамда Ўзбекистон касаба союзлари республика совети томонидан ҳам шундай қарор қабул қилинди.

Табиийки, қарор ишнинг бошланиши. Аммо, ҳамма гап унинг ижросида. Ушбу қарорлар эса айрим маҳаллий ташкилотлар эътиборида тутилмаётир дейишга асос бор. Ўтган йил бошида жумҳурият Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг доимий комиссиялари томонидан ўтказилган текширишлар ана шу йўналишда берилган топшириқлар ижроси ўлда-жўлда қолаётганлигини кўрсатди. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Ульянов область тажрибасини қўлланиб «Ғамхўрлик» комплекс программасини ишлаб чиқиш ҳақидаги қарори бажарилмай қолди.

Ветеранлар ўзлари учун қулай ва арзон нархдаги кийим-бош ва пойабзаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилишини орзиқиб кутишган эди. Бу борадаги қарорда республика Енгил саноат министрлигига тегишли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, савдо ташкилотларига ана шундай кийим-кечак етказиб беришни кўпайтириш вазифаси юкланди. Афсуски, буюртмалар яхши бажарилмади. 20 хилдан кўрпоқ маҳсулотлар ҳамон ишлаб чиқарилгани йўқ. Отахон ва онахонлар, айниқса кам миқдорда пенсия олувчилар ўзларига ваъда қилинган арзон нархдаги кийим-бошлар сотиб ололмаётганликларидан таажжубланиб хат ёзмоқдалар. Амалда республикамиздаги бир ярим миллионга яқин ветеранларга арзонлаштирилган маҳсулотларни харид қилиш билан ўзларининг иқтисодий аҳволларини яхшилаш имконияти берилмаётир.

Бу масала ўтган йили республика Министрлар Совети Президиумида қаттиқ муҳокамага сабаб бўлди. Қорақалпоғистон автоном республикаси Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижрокоми, бошқа қатор тегишли министрлик ҳамда идораларнинг уруш ва меҳнат ветеранлари, кексайган фуқароларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз деб топилди. Уларга бундан тегишли хулоса чиқариш, бу муҳим масалага муносабатда кескин ўзгариш ясаш лозимлиги таъкидланди. Орадан вақт ўтди. Аммо Қашқадарё областидан бошқа барча вилоятларда кўзга кўринарли ўзгариш кузатилмади. Бир қатор область, район ижроия комитетлари «Ғамхўрлик» комплекс программасини тайёрлаш билан ҳам изчил шуғулланмадилар.

Бу ўринда уруш ва меҳнат ветеранлари айрим бошланғич ташкилотлари адресига ҳам айтадиган гапимиз бор. Улар ижтимоий масалаларни ҳал этиш, ветеранларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда тегишлича қатъият ва талабчанлик кўрсатмаётирлар. Ҳолбуки, ветеранлар кенгаши ҳар бир ветераннинг эҳтиёжини билиши, унга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш имкониятларини қидириб топиш ва ишга солишда ўз таъсир кучидан фойдаланиши лозим.

Жамиятнинг саховоти, инсофлилиги ва инсонпарварлиги унинг уруш ва меҳнат ветеранларига, ёлғиз қолган кекса гражданлар ва ногиронларга муносабатига қараб аниқланади; — дейилади республика Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида. Зотан, ветеранлар бугунги куннинг эъзозли кишилари. Уларга меҳрибонлик эртанги кунимизга бўлган эътибор ва меҳр-муҳаббатимиздир. Шундай экан, ҳар бир партия ва совет ташкилоти ана шу йўналишдаги барча қарорларнинг қатъий, изчил бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга бурчлидир.

Н. АҲМЕДОВ,
Узбекистон уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгаши фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш доимий комиссияси раиси.

СУРАТ-АХБОРОТ

● Самарқанддаги кўн заводи коллективи кейинги пайтларда саноат учун сифатли хом ашё тайёрлашга алоҳида эътибор берадиган бўлиб қолди. Бунда илғорларнинг ҳиссаси катта. Чапдаги суратда пардозлаш цехи илғор тери пиширувчиси Кибриё Ашурова. У смена нормасини 130—140 фоизга етказиб адо этаётир ва 98 ўрнига 100 фоиз маҳсулотни биринчи навга топширмоқда.

● Бундан бир неча ой аввал Уйчи шойи тўқиш бирлашмасида «Нилуфар» кооперативи тузилган эди. У ерда қадимий анъанавий усулда атлас тўқиш йўлга қўйилди. Газмолнинг дастлабки туркуми савдо тармоқларига чиқарилди ва булар ўзининг пишиқ-пухталиги, сержилолиги билан харидорларга манзур бўляпти.

«Нилуфар»да ҳозирча 40 нафар тўқувчи хизмат қилмоқда. Кейинчалик унда ишловчилар сони яна кўпаяди. Бу эса аҳоли зич жойлашган ушбу районда одамларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга кўмаклашади.

Унгдаги суратда кооператив аъзоларидан Ҳадича Маматова ва Маҳмуда Муҳиддинова-лар тўқилган матоларни кўздан кечирмоқдалар.

Ғ. АЛИЕВ ва А. КОВТУН суратлари. (ЎзТАГ).

● Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари

ҲАМКОРЛИК НИШОНАЛАРИ

«УЗПТИЦЕПРОМ» ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРЯПТИ ВА БУНДАН АНЧАГИНА ФОЙДА ОЛЯПТИ

Ҳозирги пайтда Иттифоқимиз бозорига кўпчилик чет эл, жумладан, Европа мамлакатлари қизиқиш билан қарашяпти. Улар биргаликда икки томон учун ҳам фойдали бўлган корхоналар ташкил қилиш таклифи билан чиқишмоқда. «Узптицепром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси бу таклифни маъқуллаган ҳолда яқин орада чет эл фирмалари билан ҳамкорликда корхоналар барпо этишни мўлжаллаяпти. Айни пайтда Польша, ГДР, Венгрия, Чехословакия, ГФР ва Голландиядаги турдош корхоналар ва фирмалар билан тўғридан-тўғри илмий-техникавий алоқа ўрнатилмоқда. Бирлашма валюта қарзидан фойдаланиб, ўз ихтиёридаги қатор паррандачилик фабрикаларн учун технологик ускуналар сотиб олиш бўйича бир неча фойдали шартномалар тузди.

ТАРМОҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ паррандачилиги кенжа тармоқлардан бири ҳисобланади. У бундан 25 йил олдин Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги министрлиги таркибида тузилди. «Узптицепром» бошқармаси деб юритилган бу корхонага дастлаб 6 та паррандачилик фабрикаси, 3 та ихтисослашган совхоз ва 9 та инкубатор-паррандачилик станциялари берилди. Ўша йили бошқарма коллективи 24 миллион дона тухум ва 800 тонна парранда гўшти етказиб берди.

Эндиликда саноат ишлаб чиқаришининг мустақил тармоғига айланган республика паррандачилик бирлашмаси 70 га яқин хўжаликни ўз ихтиёрига олиб, фаолият кўрсатмоқда. Биргина Тошкент область Оржоникидзе районидаги Ильич номли паррандачилик бирлашмаси йилига 200 миллион дона тухум ва минг тоннадан кўпроқ гўшт ишлаб чиқармоқда. Каттақўрғондаги бройлер фабрикаси эса 4 минг тоннага яқин парранда гўшти тайёрлаяпти.

Кейинги йилларда тармоқда анча ўзгаришлар юз берди. Буни республика аҳолиси ҳам сезиб турибди. Масалан, товуқ тухуми бундан 3—4 йил олдин мамлакатимиз бошқа регионларидан, ҳатто чет эллардан келтирилар эди. Ҳозир тухум дейсизми, товуқ гўштими савдо расталаридан энг аввало махсус фирма-магазинлардан бемалол харид қиласиз. Республикада бундай фирма-магазинлардан 23 таси ишлаб турибди. 1995 йилгача улар сони юз дан ошиб кетади. Паррандачилик фабрикаси ҳисобида турган ҳар бир фирма-магазинда парранда гўшти ва тухумидан 30 хил турдаги таомлар тайёрланиб, харидорларга хизмат кўрсатилмоқда. Шу тариқа паррандабоқарлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишяпти. Лекин баъзи ҳолларда маҳсулот сифати ва унинг ташқи кўриниши ҳамма вақт ҳам давлат стандартига ва ўз баҳосига тўғри келмаяпти.

Тармоқ имкониятлари кенг бўлганлиги учун у ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Бу, биринчи навбатда ҳаракатдаги корхоналарни реконструкция қилиш, уларни техникавий қайта қуроллантириш ҳамда «Парранда—95» комплекс программаси асосида янгилаш ҳисобига амалга оширилянти. Бунинг учн йилига капитал харажатлар умумий миқдорининг 30 фоизи ажратилмоқда. Айни пайтда илғор совет ва чет эл технологиясини сотиб олишга, Иттифоқ ҳамда хорижий мамлакатлар ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганиш ва жорий қилишга жиддий эътибор бериляпти. Бу эса республика паррандачилик тармоғининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ФОЙДАЛИ ШАРТНОМАЛАР

КЕЙИНГИ пайтда республика паррандачилик бирлашмаси чет эл фирмалари билан тўғридан-тўғри фойдали алоқалар ўрнатишни кенгайтиряпти. Масалан, Навоий паррандачилик фабрикаси ГДРнинг «Макрена» турдош фирмаси билан алоқа боғлади. Улар ўртасида маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди.

— «Макрена» фирмаси кўпгина кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш маданияти бўйича биздан анча олдинда, — дейди Навоий паррандачилик фабрикаси директори И. Колтун. — Бунга мен яқинда немис дўстларимиз корхонасида бўлганимда ишонч ҳосил қилдим. Шундай экан, бошланган ҳамкорлик кўпроқ бизга фойдалироқ бўлади, деб ўйлайман. Бундан ташқари, шерик фирма ёрдамида паррандачилик хўжаликлари учун технологик асбоб-ўскуна ишлаб чиқарадиган Терлеберг шаҳридаги машинасозлик заводи билан ҳам шартнома тузиш ниятимиз бор. Вақти келиб улардан янги техникани сотиб оламиз. Натижада фабрикамизни янгилаш ва реконструкция қилиш мумкин бўлади.

Яқинда «Узптицепром»нинг бир группа мутахассислари ва хўжалик раҳбарлари илмий-техникавий алоқалар доирасида Польша, Венгрия, Чехословакия ва Голландиянинг турдош корхоналарида бўлиб қайтдилар. Улар илғор технология билан жойларда яқиндан танишдилар. Бирлашма раҳбарлари бу тажрибаларни умумлаштириб, республика хўжаликларида жорий этиш, даставвал, парранда маҳсулоти турларини кенгайтириш, жумладан товуқ гўштидан колбаса ишлаб чиқариш ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишни мақсад қилиб қўйдилар.

Афсуски, зарурий технологик асбоб-ускуналар етишмаслиги паррандабоқарларнинг бу эзгу ниятлари тезроқ амалга ошишига тўсиқ бўляпти. Ватанимиз машинасозлиги эса бу соҳадаги эҳтиёжни қондира олмаяпти. Жумладан, товуқ гўштини ёдон қайта ишловчи линиялар жуда кам ишлаб чиқариляпти. Бошқа машина ва агрегатлар етказиб бериш ҳам ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Масалан, тухум порошоги тайёрлайдиган ускунага эҳтиёжнинг фақат 20 фоизигина қондириляпти, холос. Аҳволни қандай қилиб ўнгласа бўлади?

— Биз бунинг учун валюта кредитидан фойдаланмоқчимиз, — дейди «Узптицепром» раиси Б. Пискунов. — Ҳозир чет эл фирмалари билан амалий алоқа қилишни бошладик. Яқинда эса 6 та технологик линияни сотиб олиш тўғрисидаги битимни имзоладик. Кейинчалик фойдали алоқаларимиз кенгаяди, деган умиддамиз.

«СТААЛКАТ» ШАРОФАТИ

«УЗПТИЦЕПРОМ» мустаҳкам алоқа боғлаган Голландиянинг «Стаалкат» фирмаси—жаҳон бозорига танилган корхоналардан бири. Фирма 45 мамлакатга ўз маҳсулотини етказиб беради. СССР 46-бўлиб ҳамкорлик ҳақида шартнома тузди. Натижада голландиялик мутахассислар Иттифоқимизнинг кўпгина корхоналарида, жумладан Тошкент область Оржоникидзе районидаги Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам янги технологик линиялар ўрнатиб беришди.

«Стаалкат» фирмаси вакили, инженер Геральд Виссер билан суҳбатимиз қуйидагича бўлди:

— Линиянинг ишлаб чиқариш қуввати қанча?

— Соатига 54 минг дона тухум ишлаб чиқаради. Шу ўринда таъкидлаб ўтай, линия тухумларни ажратиш ва оғирлигини ўлчаш билан бирга ювиб чиқариш ҳамда илгари қўлда бажарилган маҳсулотнинг уч категориясини белгилайдиган штампни босиш имкониятига эга.

— Монтаж ва тузатиш ишларига қанча вақт кетади?

— Узоғи билан бир ҳафта. Кейин икки ҳафта операторларга линияни бошқаришни ўргатамиз. Очиғи, улар кўп эмас, бор-йўғи беш киши, холос.

— Худди шундай технологияни Иттифоқимизнинг яна қайси регионларида ўрнатдингиз?

— Бунга қадар Рига, Таллинн, Москва области парранда фабрикаларида монтаж ва тузатиш ишларини олиб бордик. Энди янги ускунани Фарғона областидаги Қувасойдаги паррандачилик хўжалигида ўрнатамиз.

Суҳбат ҳозиргина ишга туширилган янги линия олдида ўтди. Фирма вакили ишлаб чиқариш жараёни билан таништирар экан, янги технологиядан тўғри фойдаланилса, тухумни қайта ишлашни тўрт баробар жадаллаштириш мумкинлигини таъкидлади. Демак, ҳаммаси технологияни бошқарувчи операторлар маҳоратига боғлиқ экан.

Голландиялик фирма вакиллари яқинда яна бир хайрли ишни амалга оширдилар. Улар гўшт йўналишидаги Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳозирча Иттифоқда ягона ҳисобланган сўқим гўшти цехини қуриб, ишга туширдилар. Мутахассислар фикрича, голландияликлар ўрнатган янги линиялар ёрдамида соатига 3 минг бош паррандани қайта ишлаш мумкин бўлади.

— Хорижий дўстларимиз ёрдамида биз парранда гўштини қайта ишлашнинг самарали системасига эга бўлдик, — дейди бирлашма бош директори, ветеринария фанлари номзоди А. Содиков. — Эндиликда бозорни парҳез маҳсулотларига тўлдириш учун бу линиялардан мукаммал фойдаланишимиз шарт. Яқинда Тошкент шаҳрида Фарҳод бозори ва мотор заводи ёнларида янги фирма-магазинлар очдик.

Хуллас, республикамиз паррандачилик корхоналарида чет эл технологиясини қўллаш ўз натижасини беряпти. «Узптицепром» коллективи бундан кейин ҳам хориж билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва шу тариқа республикамиз аҳолисини янада кўпроқ парҳез маҳсулотлари билан таъминлаш ниятида. Бу йил 150 минг тонна парранда гўшти, 2150 миллион дона тухум етиштиришга аҳд қилинган.

И. АҲМЕТОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ЯНА ЧОЙ СИФАТИ ҲАҚИДА

Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасининг сифатсиз маҳсулотлари ҳақида танқидий фикрлар айтилди, айтилмоқда. Лекин корхона фаолиятида ҳеч ўзгариш сезилмаяпти. Ҳамон эскича иш юритилиб, истеъмолчиларнинг ҳақли талаблари инобатга олинмаяпти.

Сифатли чой тайёрлашни йўлга қўйиш ўрнига фабрика раҳбарлари «Грузиядан паст навли хом ашё олмоқдамиз», дея баҳона қидиришяпти. Ахир, қачонгача дўконлардан «олий нав» тамғаси босилган, аслида эса ичишга ярамайдиган паст навли чойларни харид қиламиз.

Республика «Узпищепром» бирлашмаси раҳбарлари бу аҳволга чек қўйишни жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Ч. МАҲСУМОВ,
Уруш ва меҳнат ветерани, пенсионер.

• *Зафар сатрлари*

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

● Сирдарё райони чорвадорлари областда биринчи бўлиб гўшт топшириш йиллик планини ортиғи билан адо этишди. Шартномада белгиланган 500 тонна ўрнига 516 тонна бўрдоқи гўшти етказиб берилди. Бунда «Сирдарё» совхози чорвадорларининг ҳиссаси катта. Улар пландаги 70 тонна ўрнига 109 тонна гўшт етказиб беришди. Райондаги «Правда» колхози, «Ўзбекистон», «Коммунизм» сингари хўжаликлар ҳам топшириқни ортиғи билан уддалашди.

У. МУҲАМЕДОВ.

* * *

● Бахмал районидаги «Партия XXIV съезди» совхози чорвадорлари 1990 йилни яхши бошлашди. Улар давлатга 65 тонна гўшт етказиб бериб, дастлабки уч ойлик планни ошириб бажаришди. Мичурин номли совхоз бўрдоқибоқарлари эса пландаги 32 тонна ўрнига 40 тонна маҳсулот етказиб беришди. «Ойқор», «Гулбулоқ» совхозлари чорвадорлари ҳам бу борадаги маррани муддатидан илгари эгаллашди.

«Сангзор» совхози чорвадорлари эса сут топшириш квартал планини ортиғи билан бажардилар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, районда шахсий хўжаликларга яхши эътибор берилгани туфайли топширилган жами 854 тонна сутнинг 445 тоннаси аҳолидан харид қилиб олинди.

А. ЭРГАШЕВ.

Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз марказий ремонт устахонасида барча экиш агрегатлари созлаб қўйилди. Жумладан 77 та чопиқ трактори, 42 та экиш агрегати, 22 та тирборона мавсумга шай.

Суратда: совхоз халқ назорати группаси бошлиғи Бердиқул Тожибоев (ўртада), устахона мудири Абдуқаюм Абдуллаев ва Эргаш Қосимов техниканинг тахтлигини кўздан кечирмоқдалар.

У. ҚУШВОҚОВ СУРАТИ.

• *Очиқчасига гаплашайлик*

КУРАШАДИ ИККИ ТЎЛҚИН...

Ўтган йили Олой тоғларида Олтариқ район партия комитетининг иккинчи котиби Шахобиддин Абдусатторов ҳалок бўлди. Эндигина олий партия мактабини тугатиб, кўксида бир олам орзу-режалари яшнаб турган ёш, қобилиятли партия ходими орамиздан кетди. У билан бирга машинада бўлган уч нафар мутахассис ҳам ҳаётдан бевақт кўз юмдилар.

БУТУН Олтариқни титратиб юборган бу фожиа неча йиллардан буён область чорвадорларини қийнаб келаётган муаммо— қўйчиликнинг истиқболига жиддий назар ташлашга ундади. Ҳар йили юзлаб чақирим олис тоғлардаги яйловларга қўй ҳайдаш, чўпонлар ҳолидан ва отарлардан хабар олиб туриш, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш жараёнида турли бахтсиз ҳодисалар туфайли ҳалок бўлаётган, майиб бўлиб қолаётган кишилар сони юқоридагилар билангина чекланмайди. Хўжаликлар эса Олой ва Чотқол тоғлари яйловларида қўй боқишдан юз минг сўмлаб зарар кўрмоқдалар. Жуда катта иқтисодий зарар, юзлаб кишиларнинг беҳуда сарфланган вақти, соғлиғи (афсуски, ҳатто ҳаёти!) эвазига ушлаб турилган қўйчиликнинг Фарғона областида истиқболи борми?

Пахта яккаҳокимлиги областда машъум из қолдиргани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. 30—40-йилларда СССР ҳукумати Фарғона водийси колхоз-совхозларида қўй боқиш учун яйловлар қолмаганлигини ҳисобга олиб, қардош Қирғизистоннинг Чўнг, Олой ва Чотқол тоғларидан улар учун яйлов ажратиш ҳақида махсус қарорлар қабул қилган. Қарорларнинг муддати тугагач, улар яна узайтирилаверган. Бироқ қирғиз дўстларимиз, қўйчиликни ривожлантириб, отарлар бош сонини ўстира борган сари уларга ҳам қўшимча яйловлар зарур бўлаверади. Масалан, ҳозирги пайтда биргина Ўш областининг ўзида 3 миллион бош атрофида қўй бор. Яширишнинг ҳожати йўқ: Чўнг, Олой яйловларида ўтлоқ талашиб, иккала республика чорвадорлари орасида баҳс, мунозара, келишмовчилик бўлиб туради. Бундан ташқари колхоз ва совхозлар хўжалик ҳисоби шароитида ишлаётган, уларнинг мустақиллиги ошаётган бир пайтда йил бошидан қўйчилик туфайли маълум зарар келишини планлаштириб қўйиш инсофдан эмас.

Ҳозирги пайтда областда 300 минг бош атрофида қўй боқилади. Ҳар йили май ойида Қўқон группасидаги районлар Чотқолга, Фарғона зонаси районлари Олойга қўй ҳайдашади. Бу жуда машаққатли иш. Масалан, ўн минглаб қўй поездга солиниб, Ғазалкентга олиб борилади. Ғазалкентда қўйларни поезддан тушириб машиналарга юклашади ва Бўстоилиқ худуди орқали Чотқолга олиб чиқишади. Битта юк машинасига 30 та қўй сиғишини ҳисобга олсак 200—300 минг қўйни 300 километрлаб масофага элтиш учун қанча машина керак бўлади? Қанча ёнилғи ва иш вақти сарфланади?

Олойга қўй ташишда ҳам деярли шу аҳвол. Октябрь ойида яна қўйлар шу усулда орқага қайтарилади. Эшагидан тушови қиммат дея шунга айтсалар керакда. 1988 йили область хўжаликлари қўйчиликдан 1 миллион 957 минг сўм зарар кўрдилар. 300 минг бош атрофидаги қўйдан давлатга атиги 320 тонна чамаси гўшт сотилди. Ҳар бир бош қўйдан 1,5 килограммдан жун қиркиб олинди.

Колхоз-совхозлар мутахассислари билан суҳбатлашсангиз улар қўйчиликнинг хўжалик бўйнига мажбуран илиб қўйилганидан нолийдилар.

— Колхозимиз ўтган йили қўйчиликдан 28 минг сўм зарар кўрди, — дейди Олтариқ районидаги «Ўзбекистон» колхози бош зоотехниги Турдали Валиев.— Бироқ чўпонларни ёмон ишлади деб бўлмайди. Бунга фақат ноқулай шароит ва ота-боболаримизнинг Олойга қўй ҳайдаб бориб, боқиб келишганига шубҳам бор. Областда гўшт танқислиги масаласи тўғри. Бироқ уни қўйчиликни сақлаб қолиш эвазига ҳал этишга уриниш бефойда. И. Рамазонов ҳам, Н. Исаков ҳам қўй гўштининг давлатга жуда арзимаган миқдорда етказиб берилишини тан олган ҳолда «қўй гўштини хўжаликлар ўз ички эҳтиёжларига ишлатадилар» деб важ кўрсатишди. Қизиғи шундаки, айни дала ишлари қизиган пайт—май-октябрь ойлари отарлар Олой ёки Чотқолда бўлишади. Демак, далачиларнинг қозонида қўй гўшти ҳадеб ҳам қайнайвермайди... Буни қишлоқда яшаган ҳар бир киши билади.

— Ёз бўйи колхознинг 30-35 қўйи турли сабаблар билан Олойда сўйилиб кетади, — дейди Т. Валиев. — Унга колхозчининг оғзи тегмайди.

• *Нуқтаи назар*

ФАРҒОНАДА ҚЎЙЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ БОРМИ?

ўта паст харид нархи сабаб бўляпти. Олойга қўй ҳайдаш харажатларидан ташқари, у ерда етиштирилган хашакнинг ҳар бир центнери 4-5 сўмга тушяпти. Колхозга бир килограмм ҳам шелуха берилмайди.

Турдалининг куюнишида жон бор. Қўйчилик туфайли даромадининг чўғи камаяётган хўжаликлар жуда кўп. Қувасой шаҳридаги Ильич номли совхозда 13 минг бош атрофида қўй-қўзи парваришланяпти. Совхоз ҳар йили қўйчиликдан 130 минг сўм зарар кўради. Фарғона районидаги «Фарғона» совхози ҳар бош қўйдан 13 сўм 66 тийиндан, Ёзёвон районидаги «Ёзёвон» совхози 12 сўм 29 тийиндан, Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхози 11 сўм 68 тийиндан, Ленинград районидаги «Социализм» колхози 26 сўм 35 тийиндан зарар кўряпти. Булардан ҳам ёмон кўрсаткичларга эга хўжаликлар бор. Колхозчилар ва совхозлар ишчилари мавжуд аҳволдан ҳақли суратда норози бўлмоқдалар. Ахир, қачонгача пахтадан келадиган озми-кўпми даромадни қўйчилик кемириб кетаверади? Область агросаноат уюшмаси раҳбарлари эса мутлақо тескари фикрда.

Қўйчиликдаги оғир аҳволдан чиқиш йўллари изланяптими? Мана шу саволга жавоб излаб область агросаноат уюшмаси чорвачилик бўлими бошлиғи И. Рамазоновга мурожаат қилдим.

Рамазонов билан энди суҳбатни бошлаган эдик, хонага область агросаноат уюшмаси раиси ўринбосари Н. Исаков кириб қолди. Мақсадимни эшитиб унинг қиёфаси тундлашди.

— Сиз билан суҳбатлашишга бугун унинг вақти йўқ— деди у тўсатдан Рамазоновга қўлини бигиз қилиб, — бошқа куни келинг!

Рамазонов билан аввалдан келишиб олганимиз учун мен ҳайрон бўлдим. Ниҳоят, анча илтимослардан сўнг Николай Константинович юмшади ва «сахийлик» билан:

— Беш минутга бўлса, майли... — деди.

Бироқ, кўп ўтмай кўнгли тинчимади шекилли, яна олдимизга қайтиб кирди ва менга нималар айтиш ҳақида Рамазоновга кўрсатма бера бошлади. Бу қадар турланиш ва эҳтиёткорликнинг сабаби кейин маълум бўлди. Агросаноат уюшмасидаги ўртоқлар қўйчиликни сақлаш тарафдори, қўйлар бош сонини камайтириш ҳақидаги муаммонинг матбуотда кўтариб чиқилишига қарши эканлар.

— Қанча зарар келтирмасин, қўйчилик областга керак. Бу тарихий анъана, ота-боболаримиз ҳам Олойга қўй ҳайдашган. Ҳозир областда жон бошига йилига 19 килограммдан гўшт тўғри келяпти. Шундай шароитда қўйчиликни ҳам йўқотсак...

Қўйчиликдаги мушкул аҳволдан чиқиш борасида изланишлар ҳам бор. Қувасойдаги Ильич номли совхозда қўй отарларини ижарага бериш синаб кўриляпти. Бунда чўпонларнинг масъулияти бирмунча ошади. Қўй-қўзиларни сақлаш плани ошириб бажарилса, ортиқчаси чорвадорга мукофот қилиб берилади. Қўй нобуд бўлиши кўпайиб кетса, чўпон ўз ёнидан тўлайди. Аммо янгилик жуда секинлик билан қабул қилиняпти. Ўтган йили 31 чўпон оиласи совхоз маъмурияти билан ижара шартномасини тузган эди. Аммо 13 нафар ижарачи йил охирига етмай шартномани бекор қилди. Ижарачиларнинг кўрсаткичлари ёмон эмас. Аммо, қўйчиликдаги ижара ҳам кўрилаётган зарарни кескин пасайтира олмади. Чунки қўй гўшти ва жунининг ҳарид нархлари жуда паст. Масалан, «Фарғона» совхозида 1 центнер қўй гўшти етиштириш учун 192 сўм 81 тийин сарфланган. Худди шунча гўшт эса давлатга ўртача 150 сўмдан сотилади. Ҳар бир центнер жун етиштириш харажати ва унинг харид нархи ўртасида совхоз зарарига 350—400 сўм бор.

Фарғона колхоз-совхозларида қўйчиликни рентабелли, сердаромад соҳага айлантиришнинг бошқа йўллари борми?

Область агросаноат уюшмаси раҳбарларидан фарқли ўлароқ, хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислар шундай омилларни кўрсатишяпти. Энг биринчи шартлардан бири қўйни Олой ва Чотқолга ҳайдашдан воз кечиш. Лекин бир гектар яйлов ҳам бўлмаган Фарғонада юз минглаб бош қўйни қандай асраш мумкин? Демак, мантиқан олганда қўйлар бош сонини кескин камайтириш лозим бўлади. Халқимизнинг қўй гўштини суйиб истеъмол қилишини ҳисобга олсак, бу қувонарли истиқбол эмас. Масалан, юқорида тилга олинган Олтариқ районидаги «Ўзбекистон» колхозида 1800 бош қўй бор. Хўжалик раҳбарлари колхознинг ички эҳтиёжи учун 700—800 бош қўй етарли эканлигини таъкидлаб, шунча миқдордаги қўйни Олойга ҳайдамай, колхознинг ички резервлари ҳисобига боқавериш мумкинлигини айтишди. Колхоз экономикаси бундан фақат ютган бўлур эди. Ортиб қолган қўйларни нима қилиш керак?

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринли. Ҳозирги пайтда аҳолини қўй гўшти билан асосан шахсий хўжаликлар таъминлаяпти. Статистика маълумотларига кўра, шахсий хўжаликларда 197 минг 400 бош қўй парваришланяпти. Аммо аслида хонадонлардаги қўй-қўзи бундан кўп. Ўтган йили область бўйича 67 минг оилага 30 минг гектарга яқин томорқа участкалари берилди. Янги оилалар ўз участкаларида 3-4 бош қўйни бемалол бўрдоқига боқишлари, дурустгина нарх эвазига ҳар бир бош қўйдан ҳозиргидай 1,5 килограммдан эмас, балки 2—3 килограммдан жун топширишлари мумкин. Агар колхоз-совхозлар янги томорқа олган оилаларга кредит ҳисобига қўй берсалар, ҳам ёш оилага мадад, ҳам хўжаликнинг ўзига фойда бўлар эди.

— Яйлов бўлмаса қўйни семиртириб бўлмайди, — дея масалани шарт ҳал қилади И. Рамазонов. Афтидан у қишлоқ хонадонларида ҳар бир қўйнинг тирик вазнини 100—150 килограммгача етказаётган, серҳафсала, иштиёқманд чорвадорлар борлигидан бехабар шекилли. Аёллари кўпинча уйда ўтирадиган, серфарзанд деҳқон оиласи учун 6-7 бош қўйни боқиб, семиртириш қийин эмас. Нега хонадонларда 5-10 бош қўй бўлган кичик-кичик фермалар ташкил этиб бўлмайди?

Область агросаноат уюшмасидаги чорвачиликка мутасадди ўртоқлар яна ўша эски, хўжаликка кони зарар усул — қўйларни Олой ва Чотқолга ҳайдаб бориб боқишдан ўзга усулни тан олмаяптилар. Область ёғмой комбинатларида чиқаётган пахта шелухасини қўй суйиб истеъмол қилади. Афсуски, ўз маҳсулотидан чиққан шелухани колхоз-совхозлар арзимаган миқдорда олишади. Унинг асосий қисми четга жўнатилади. Юз минглаб қўйларни минг машаққат билан олис тоғ яйловларига ҳайдаётган чўпонлар олдида вагонлаб шелуха гидролиз заводлари ўпқонига, бошқа республикаларга ташиб кетиляпти. Нега деҳқон ўз маҳсулотига ҳақдор эмас? Агар шелуханинг етарли қисми областда қолдирилса, Олой ва Чотқол муаммоси балки кун тартибидан тушиб қолар...

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕДАКЦИЯДАН: Юқоридаги мулоҳазалар журналистники. Шу боисдан ҳам уни энг тўғри, инкор этиб бўлмас хулоса дейишдан йироқмиз. Бироқ, шу нарса аёнки, соҳанинг зарар келтираётганини кўра-била туриб, бундан буён ушбу ҳолга тоқат қилиб бўлмайди. Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, дейдилар. Халқнинг миллионлаб маблағини кўкка совуришга, хўжасизлик ва исрофгарчиликка чек қўйиш пайти келди.

Фарғонада қўйчиликнинг истиқболи борми?

Редакция газетхонлардан ана шу масалага ўз муносабатларини билдиришни сўрайди.

«Курашади икки тўлқин, қараб турайми?» — деб ёзган эди шоир. Бухоро автомобиль-йўллар техникуми (тўғриси, унинг собиқ директори Ато Мардонович Баҳоев) атрофида кўпдан буён давом этиб келаётган можаро ҳақида ўйлаганимизда беихтиёр хаёлимизга шу сўзлар келди. Редакциямизга ўтган йили ўн варақдан иборат ариза тушмаганида эди, биз бу воқеадан хабар топмаган бўлардик. Аризага мазкур техникумда ишлаб турган 52 киши қўл қўйган. Ҳаммасининг исм-фамилияси, вазифаси аниқ кўрсатилган. Улар А. Баҳоевга нисбатан Бухоро шаҳар партия комитети ва республика Автомобиль транспорти министрлиги томонидан ноҳақлик қилинган, деб ҳисоблашади ва бундан қайғуришади, ўз даъволарини далиллар асосида исботлашга ҳаракат қилишади.

Биз мазкур ариза муносабати билан Бухоро область ва Бухоро шаҳар партия комитетларида, Бухоро автомобиль-йўллар техникумида бўлдик, тегишли ҳужжатлар билан танишдик, улардан нусхалар кўчиртириб олдик. 1989 йил 4 январда Бухоро шаҳар партия комитетига ёзилган шикоят хати муаллифлари Махфуза Жамолова, Тошпўлат Қаландаров, Махсума Каримова, Карим Имомов ўртоқлар ҳамда редакциямизга арз этган кишилардан ўн бир нафари билан гаплашдик. Улар ўз сўзларида қатъий туришганини айтишди.

Техникумдаги суҳбат чоғида бир факт аниқланди. Редакциямизга тушган аризага биринчи бўлиб ўқитувчи Ҳамза Муҳамедов имзо чекканди, ҳозир у шу ўқув юртининг директори экан. Бу ерда директорлик лавозими учун ўтказилган сайловда (1989 йил 26 сентябрь) бошқа номзодга нисбатан кўп овоз олиб, ана шу мартабага эга бўлибди.

— Демак, ўртоқ Баҳоевга нисбатан ноқаҳлик қилинган? — мурожаат этдик янги директорга. — Ўзингиз қўл қўйган хатдаги шу фикрга ҳозир ҳам қўшиласизми?

— Ҳа...

Сафардан қайтгач мавжуд даста-даста қоғозларни қайта-қайта ўқиб чиқдик, чуқур мулоҳаза юритишга ҳаракат қилдик. Зеро, адолатга заррача бўлса ҳам путур етмасин. Дастлаб А. Баҳоевнинг ишдан бўшатилишига туртки бўлган тўрт ўртоқ имзо чеккан хат муаллифларидан бири Тошпўлат Ҳасанович Қаландаров хусусида. Шу ўринда ўртоқ Т. Қаландаровнинг 1989 йил 8 ноябрда Бухородан бизга ёзган мактубидан фойдаланишни лозим кўрдик. (Хат редакциямизга 1989 йил 16 ноябрда келган ва рўйхатдан ўтказилган). Айнан кўчирамиз:

«Мен шу техникумда 1971 йилдан то 1989 йил 26 февралгача ишладим. 1974 йилдан ўқув ишлар мудири вазифасида эдим. Мутахассислигим автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш.

Шуниси қизиқки, Баҳоев Атони бошини сал бўлса ҳам эгадиган инсон Бухоро шаҳрида, қолаверса, республикада 20 йил мобайнида топилмади».

Хўш, шунчалик жиддий эътирозлари бор экан, ўртоқ Т. Қаландаров Бухоро шаҳар партия комитетига уч ўртоқ билан ҳамкорликда ёзган хатида бу ҳақда нега лом-мим демади? Қизиғи шундаки, Бухоро шаҳар партия комитетига ёзилган шикоятномада гап кўп ўринларда техникумда ўқув ишларида йўл қўйилган камчиликлар ҳақида боради. Ҳурматли Т. Қаландаров ўзига тегишли нуқсонларни ҳам директорга тўнкашга журъат этади. Сабаб?

14 саҳифадан иборат хатни синчиклаб ўқиб чиққанимизда, ҳатто, 1979 ва 1980 йилларда содир этилган фактларга ҳам дуч келдик. Орадан шунча йил ўтгач эски гапларни кўзғашга хат муаллифларини нима мажбур қилди экан?

Хуллас, ўртоқ Т. Қаландаров ва у билан ҳамфикр бўлган уч ўртоқнинг хати (Ҳужжатларда бу хат негадир «коллектив томонидан ёзилган» деб нотўғри кўрсатилган) Бухоро шаҳар партия комитети қошидаги парткомиссия томонидан текширилиб, бир хулосага келинди. Орадан кўп ўтмай А. Баҳоев масаласи шаҳар партия комитети бюросида (1989 йил 24 февраль) кўрилди ва унга коммунистнинг шахсий варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди. (Шу мажлисда ишда йўл қўйган камчиликлари учун ўртоқ Т. Қаландаров ҳам виговор олди).

Орадан кўп ўтмай А. Баҳоевни бундан буён директорлик вазифасида қолдириш-қолдирмаслик масалалидан келавермайди-да!

Ҳозир ошкоралик даври. Шуни назарда тутиб, қўлимиздаги баъзи бир ҳужжатлар билан А. Баҳоевни таништирдик. Жумладан, у Бухоро шаҳар партия комитети томонидан Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига юборилган расмий хат ва олти бетдан иборат справкани синчиклаб ўқиб чиқди. Орадан бир неча кун ўтгач А. Баҳоев ўзининг тақдирини ҳал этган мазкур ҳужжатлардаги фикрларни инкор этувчи хат ва ўз хатидаги гапларни асословчи ҳужжатларни бизга келтириб берди.

— Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев район прокуратураси ҳам менинг ишим билан шуғулланган, ҳеч қандай айб топа олмаган, — деди биз билан суҳбатда А. Баҳоев.

Биз А. Баҳоевнинг кўп йиллик директорлик фаолиятида ҳеч қандай камчилик бўлмаган, деган фикрни айтмоқчи эмасмиз. Чунончи, аввалги йилларда икки марта партиявий жазо олгани маълум. Буни унинг ўзи ҳам инкор этмайди. Лекин қўлимиздаги ҳужжатлар ва тегишли ўртоқлар билан қилган суҳбатларимиз шуни яққол кўрсатмоқдаки, А. Баҳоев устидан шаҳар партия комитетига тушган аризани текширишда бир ёқламаликка йўл қўйилган. Яъни текширув олиб борган одамлар аризачиларнинг фикрларини инобатга олишган-у, А. Баҳоев ва уни ҳимоя қилаётган кишиларни тинглашмаган.

Курашади икки тўлқин... А. Баҳоев қаттиқ партиявий жазо олди, лавозимидан четлаштирилди. Ато Мардоновичга қарши бораётганлар бундан қаноатланганларича йўқ. Ўқитувчи Махфуза Жамолованинг редакцияга ёзган хатидаги ушбу гаплар буни кўрсатиб турибди:

«Мен фақат ҳақиқат юзага чиқишини истайман. Илтимос, менга ёрдам беринглар. Баҳоев А. М. ишдан олингани билан унинг одамлари ишларини давом этказишяпти. Улар катта бир гуруҳ, бу гуруҳнинг қора ишларини очиб ташлаш учун катта куч керак. Шаҳар партия комитетининг текширишидан кейин ҳам булар ҳеч қўрқмай ўз фаолиятларини давом этказишяпти».

Илова: хатда унинг ёзилган санаси кўрсатилмаган.

Даъво жиддий. Лекин уни асосли ҳужжатлар билан исботлаб бериш керак.

Биз ҳам фақат ҳақиқат тарафдоримиз. Мақолани ҳам, ҳеч шубҳасиз, шу мақсадда ёздик. Ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун эса ҳаммани — даъвогарларни ҳам, айбланаётган кишини ҳам баб-баравар тинглаш керак бўлади. Коммунист А. Баҳоевнинг кўлида ўзига қўйилаётган айбларни инкор этувчи ҳужжатлар бор, бу ҳужжатларни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим.

Хуллас, Бухоро автомобиль-йўллар техникумида бошланган можаро ҳали узилкесил бартараф этилганича йўқ деб ҳисоблаймиз. Ишончимиз комилки, Бухоро область партия комитети ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги масалага оқилона ёндашади ва уни ҳал этади.

Усмон ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

Шу кунларда республикамизнинг жанубий вилоятларида кўкламги дала ишлари авж олиб кетди. Бошқа мавзеларда ҳам экин-тикин ишларини бошлашга ҳозирлик ниҳоясига етказилаётир.

Жойлардан келаётган хат-хабарлар қишлоқ аҳли бу йилги хўжалик йилини алоҳида ихлос ва ғайрат-шижоат билан бошлаётганидан дарак беради.

◆ **ҚАШҚАДАРЁ**

— Совхозимизда 70 турдан ортиқ ҳар хил қишлоқ хўжалик техникаси деҳқонларимиз оғирини енгил қилмоқда. Шунинг учун ҳам техника ремонтига астойдил эътибор беряпмиз, — дейди Усмон Юсупов райондаги Ульянов номли совхоз бош инженери Д. Шоймардонов. — Ҳозиргача мавжуд 50 та сеялка, 500 та борона, 35 та «Т-4» трактори мавсумга шайлаб қўйилди.

Умуман хўжалик бўйича барча техника воситалари ремонтдан чиқариб бўлинди. Бу ишда 30 дан зиёд слесарь ва ремонтчилар қатнашди. И. Тоиров, Т. Худойқулов, Э. Расулов, З. Каримов, Ҳ. Наврўзов, Р. Қурбонов сингари созловчилар бу ишда фаоллик кўрсатишди.

Н. ТУРСУНОВ.

* * *

Шаҳрисабз районидаги Киров номли совхоз деҳқонлари баҳорги ишларни бошлаб юборишди. 3 гектар майдонга карам кўчати экилди, 7 гектар ерга эса пиёз уруғи сепилди. 40 гектарлик бедазор яратилди. Бу ишларда М. Жабборов, Ҳ. Тошев, Ф. Рустамов бошлиқ бригадалар уюшқоқлик билан ҳаракат қилишди.

М. ҚАРОМОВ.

◆ **АНДИЖОН**

Хўжаобод районидаги «Шарқ юлдузи» колхози механизаторлари кўкламни, қувонч билан кутиб олмоқдалар. Чунки улар барча техника воситаларини мавсумга шайлаб қўйишди. 25 та чопиқ трактори, 37 сеялка, 40 культиватор, 450 та комплект борона далага чиқишга тайёр. Райондаги «Ленинизм», «Правда» колхозлари ва Калинин номли совхоз созловчилари ҳам бу ишда фаоллик кўрсатишди.

Ч. ТУХТАНОВ.

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛЛАРИ

● Намангандаги 3-пахта заводи ходимлари муваффақият омилларини мунтазам излаш билан машғул бўлишмоқда. Худди шу нарса корхонага дала ишлари бошланишидан анча аввал уруғлик чигитга ишлов беришни ниҳоясига етказиш имконини берди.

Уруғлик чигитга ишлов беришни тезлаштириш учун технология жараёнини икки қисмга ажратишга қарор беришди, бу эса бир кеча-кундузда 17—18 тонна ўрнига 19—20 тонна уруғликка ишлов бериш имкониятини яратди. Завод ишчилари корхонанинг ўзида уруғликни тукидан тозаладилар. Тўрақўрғон районидаги «Шаҳанд» тайёрлов пунктида эса уч сменали иш учун барча шарт-шароитлар яратилиб, у ерда уруғликлар доривланди. «Шаҳанд» тайёрлов пунктида ётоқхона, душхоналар, сауна қурилган. Айни вақтда ишчилар завод маблағи ҳисобига бепул овқатланишмоқда, сут ҳам текинга берилмоқда. Натижада хўжаликларга юборилган уруғлик биринчи сортга қабул қилинди. Демак, экишга уруғлик сарфи анча камаяди.

ТАЪМАГИРЛАР УШЛАНДИ

25 февраль куни Арманистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетига Ереванда олий ўқув юртларидан бирининг муаллими илтимос билан мурожаат қилиб, ўзидан 200 минг сўм пул беришни талаб қилаётган номаълум шахслардан ҳимоя қилишни сўради. Акс ҳолда ўша одамлар муаллимнинг мактабда ўқиётган қизини ўғирлаб кетамиз ва ўлдирамиз, деб таҳдид қилишди.

Таъмагирлар икки кун ичида ушланди. 27 февраль куни улар яна пул талаб қилишди, лекин бу гал 60 минг сўм берасан, деб туриб олишди. Келишилган вақтда ўқитувчи белгиланган жойга пакетга солинган пулларни олиб келди. Арманистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари жиноятчилар пакетни олишаётганида уларни қўлга олишди. Таъмагирлар ўқитувчи ишлаётган олий ўқув юртининг икки нафар студенти экан. Жиноий иш қўзғатилди.

Арманистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети матбуот гуруҳидан хабар беришларича, илгари ҳам таъмагирларнинг дўқ-пўписасига учраган кишилар ёмон ниятли одамларнинг жиноий хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишларини сўраб чекистларга мурожаат қилишган эди.

(ТАСС мухбири).

● *Халқ усталари*

КУЙЛА, ДУТОРИМ!

Сурхондарё области. Тожи Оллоёров эсини танибдики, ер билан тиллашади. Деҳқончилик унга ота мерос. Буюк бобомиз Алишер Навоий, деҳқонки дона сочар, эл-юрт ризқин сочар, деб айтганида минг марта ҳақ эди. Дунёда деҳқончиликдек савобли иш йўқ, дейди фарзандларига. Одамларни кийинтириш ва улар дастурхонини тўкин қилиш нақадар шарафли, нақадар муқаддас иш. Тожи Оллоёров кўчат экиб, мева етиштирди. Дон экиб, хирмон кўтарди. Лекин кўпроқ пахтакорлик қилди.

Дахшатли қирқинчи йилларда Тожи ота тиним билмади. Кўкрагидаги Ватан уруши ордени ўша йиллардан гувоҳдир. Ленинград фронтини ҳамда қамалдаги шаҳарни озиқ-овқат билан таъминлашдаги хизматлари учун у мазкур мукофотга лойиқ кўрилганди.

Тожи ота мана, ўн йилдирки, пенсияда. Аммо беш ўтиришни хаёлига ҳам келтирмайди. Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг марказий ремонт устахонасида қоровул.

Киши бир нарсага ишқибоз бўлмасин экан. Тожи ота миллий чолғу асбобларини ясашни жон-дилидан хуш кўради. У ҳаётининг мазмунига айланди. Бутун қалбини шу ишга бағишлаган. Қишлоқма-қишлоқ кезиб, чолғу учун зарур бўлган нок, ёнғоқ ёки шафтоли ғўлаларини излайди. Ҳар бирининг ўз овози, таъбир жоиз бўлса характери, инжиқлиги бор. Устанинг моҳир қўллари уларнинг ҳаммасини ҳисобга олади. Шу боисдан, эҳтимол, уста ясаган танбур, тор ёки дутордан бетакрор наволар пайдо бўладики, уларда сувларнинг жилдираши, баргларнинг шитирлаши, ёқимли шаббоданинг эпкини, ёрнинг қайноқ бўсаси, болаларнинг шўх кулгуси, кексалар донолиги акс этади. Шу боисдан ҳам жумҳуриятимиздаги энг машхур бахшилар Тожи ота қўлидан чиққан чолғу асбобларини чертиб куйлайдилар.

Суратда: усто Тожи Оллоёров.

И. ХУЖАЕВ сурати (ЎзТАГ).



СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

УЛОҚТИРИШ БАҲСИДА

◆ Сочи шаҳрида ўтказилган мамлакат чемпионатида республикамиз вакиллари муваффақиятли иштирок этдилар. Тошкентлик В. Зайцев найза улоқтиришда 81 метр 78 сантиметрли натижа кўрсатиб, кумуш медалли бўлди. Унинг ҳамшаҳри В. Чикалов ўсмирлар ўртасида (71,22 метр) ғалаба қозонди.

ЧАНҒИ УЧИШ:

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

◆ Тошкентлик Лина Черязова фристайл — чанғида акробатик машқлар бўйича маҳорати ошиб бораётган спортчилардан бўлиб қолди. У яқинда, Европа чемпионатидан бронза медали билан қайтган эди. Украинанинг Сколе шаҳрида СССР халқлари қишки спартакиадаси программаси бўйича ўтказилаётган мусобақаларда эса олтин медаль олди.

КУРАШ:

СОВРИНЛИ ЎРИН

◆ Кубада ўтказилган халқаро мусобақада 13 мамлакатдан тўпланган эркин курашчилар ўзаро беллашишди. Касаба союзлари кўнгилли физкультура жамияти жумҳурият Кенгаши аъзоси, бекободлик Федоил Муртазин 68 килограмм вазнли полвонлар сафида совринли ўринни эгаллади.

ФУТБОЛ:

БИРИНЧИ ТЎП

◆ Олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионати бошланди. Учрашувни «Днепр» ва «Ротор» командалари бошлаб беришди. Ўйин 3:1 ҳисобида днепрчилар фойдасига ҳал бўлди.

◆ СССР кубоги учун нимчорак финалчилар ўртасида такрорий ўйинлар ўтказилди: «Торпедо» — «Черноморец» — 3:0, «Арарат» — «Динамо» (М) — 0:1. Шундай қилиб, чоракфинал ўйинларида ЦСКА — «Крилья Советов», «Локомотив» — «Торпедо» (М), «Динамо» (Мн) — «Динамо» (М) ва «Металлист» — «Динамо» (К) коллективлари ўзаро учрашадиган бўлишди.

ҚАЛДИРҒОЧ ФИЛЬМ

◆ Тошкентда қорақалпоғистонлик кинорежиссёр Жақсилиқ Давлетов раҳбарлигида экранлаштирилган «Гум-гум» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Шу кунинг долзарб муаммоларини, жумладан Оролни сақлаб қолиш билан боғлиқ масалаларни акс эттирган янги картина санъат мухлисларида илиқ таассурот қолдирди.

«Гум-гум» фильми «Қорақалпоқфильм» киностудиясининг «Ўзбекфильм» билан ҳамкорликда яратган илк мустақил бадиий картинасидир. Режиссёр ҳам биринчи марта ўзининг тўла метражли фильмини яратди.

Ж. Давлетов таниқли кинорежиссёр, СССР халқ артисти. СССР Давлат мукофоти лауреати Элёр Эшмуҳамедовнинг шогирди. А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тамомлагач, устози ёнида ассистент, режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлади. Айни вақтда иқтидорли тенгдошлари билан машҳур экран санъати усталарининг тажрибаларини изчил ўрганди. Масъулиятли, мустақил ишга, яъни тўла метражли бадиий фильм яратишга бўлган ниятини айтганида, устози уни ҳеч иккиланмай қўллаб-қувватлади. Натижада кўп ўтмай, ўзига хос режиссураси, талқинлари билан ажралиб турадиган оригинал бадиий картина майдонга келди.

Фильм Ўрозбой Абдурахмонов ва Маҳмуд Тўйчиев сценарийси асосида суратга олинди. Композитор Д. Яновский асар руҳига мос музикалар ёзган. Оператор Валерий Алламаяров суртга олган фильмдаги асосий ролларни Қувватбек Абдурайимов, Сергей Иванов, Пердабой Каюпов, Арслон Жуманиёзов, Замира Бердимуродова каби таниқли, ёш артистлар ижро этишган.

— «Гум-гум» бизнинг биринчи мустақил фильмимиз бўлса-да, — дейди Ж. Давлетов, — унинг яратилишида ўзбекистонлик кино усталарининг хизматлари катта.

А. БОРОВИКОВ.

Муҳаррир **Р. РАҲМОНОВ.**

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

5 март, Душанба

ЎзТВ-I. 17.30 «Дахлсиз миллар». Телефильм. 18.05 Қўғирчоқ фильм. 18.15 «Болалигим — гулбаҳор». 18.45 Инсон ва табиат. 19.30 Ахборот. 19.45 Мўйқалам соҳиблари. 20.30 Ахборот. 20.50 «Воҳа қўшиқлари». 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.20 Ўзбекистон ССР халқ артисти Камолиддин Раҳимов. 23.20 Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 19.05 Сув полоси. СССР чемпионати. 19.35 «Энг секин юрар поезд». Бадиий фильм. 20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут» 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Шарлоттанинг маржони». Бадиий фильм, 1-серия. 10.40 Илмий-оммабоп фильм. 12.15 Рус санъатининг юз йили. 16.30 Ҳужжатли фильм. 16.50 Қадимий ўйинларнинг тикланиши ҳақида. 17.20 Концерт. 17.35 Болалар соати. 18.35 Хатларингиз асосида. 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Футбол шарҳи. 20.05 «Мастер ва Маргарита». Фильм-спектакль. 21.30 Время. 22.20 «Мастер ва Маргарита» (давоми). 23.45 Ҳужжатли фильм.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Физика. 10.05 Итальян тили. 11.05 Илмий-оммабоп фильмлар. 11.35 ва 12.35 Биология. 12.05 Сиз яратган бог. 13.05 «Етти шамол »қанотида». Бадиий фильм. 14.45 Ҳужжатли фильм. 15.05 «Скапеннинг найрангларн». Бадиий фильм, 1-серия. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Енгил атлетика. Европа чемпионати. 18.45 Концерт. 19.00 Время. 19.30 Мусиқий фильм. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 20.55 Футбол. «Арарат» — «Спартак». 22.50 «Сўнгги ташриф». Бадиий фильм.

6 март, Сешанба

ЎзТВ-I. 11.30 Цирк. 12.30 «Энг секин юрар поезд». Бадиий фильм. 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.00 «Онажоним — меҳрибоним». 18.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.00 Деҳқон юмушлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Адабиётшунос Отажон Ҳошимов ижоди ҳақида. 20.30 Ахборот. 20.50 Андижон «Сумалак» рақс ансамбли концерти. 21.30 Время. 22.00 Экран таништиради. 23.10 Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 19.05 Китоб дўстлари. 19.45 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм. 20.50 Ҳужжатли фильм. 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.30 «Шарлоттанинг маржони». Бадиий фильм, 2-серия. 10.35 Бу бўлган... бўлганди. 10.50 Киноафиша. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 16.30 Концерт. 16.55 «Афсонага айланган кишилар». Ҳужжатли фильмлар. 17.15 Концерт. 18.05 Илмий-оммабоп фильм. 18.15 «Образ». 19.00 Время. 19.30 Ешлар хабарномаси. 19.55 «Мержан» ансамбли. 20.10 «Омадли аёллар». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.15 Зураб Соткилава куйлайди. 23.15 «Эстонияда нималар бўлаяпти?».

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Физика. 10.05 ва 11.05 Француз тили. 11.35 ва 12.35 География. 12.05 Уй академияси. 13.05 «Севги ва қиролича». Бадиий фильм. 14.45 Гимнастика. 15.15 «Скапеннинг найрангларн». Бадиий фильм, 2-серия. 17.30 Мультфильм. 17.50 Вильнюсдан кўрсатилади. 18.30 Гимнастика. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

7 март, Чоршанба

ЎзТВ-I. 11.30 География. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Умумий биология. 13.00 Чинор остидаги дуэль. Бадиий фильм. 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.05 Қўғирчоқ фильм. 18.15 «Қувноқлар даврасида». 18.45 Ахборот 19.00 Рақслар гулдастаси. 19.30 Ахборот. 19.55 Москва. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш 21.30 Время. 22.00 «Иқбол». 23.35 Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 19.05 «Звездочка». 19.35 «Тақдирнинг қўлингда». Бадиий фильм. 20.55 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Камалак». 9.35 «Шарлоттанинг маржони». Бадиий фильм, 3-серия. 10.40 Дунё бўйлаб. 11.40 Кичик концерт. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 16.30 Ҳужжатли фильм. 16.55 Ер — она масканимиз. 17.00 Хорижий рус маданияти. 18.00 Қўшиққа бахшида умр. 18.40 «Омадли аёллар». Бадиий фильм, 2-серия. 19.55 Халқаро хотин-қизлар куни 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. 21.30 Время. 22.00 «Сиз бунга қодирсиз». 22.45 Оперетта, оперетта. 24.00 Эфирда мусиқа.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Мусиқа. 12.10 Илмий-оммабоп фильм. 13.10 «Қирқ ёшда ҳам ҳали орзу қилишади». Бадиий фильм. 17.00 Болалар учун фильм. 18.15 СССР халқлари VII қишки спартакиадаси. 18.45 Ешлик куйлайди ва рақсга тушади. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар! 22.00 «Чочора». Бадиий фильм.

8 март, Пайшанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Рўшона Султонова рақсга тушади. 10.25 «Нодирабегим» Бадиий фильм. 11.55 Қизлар мушоираси. 12.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. 13.05 «Ёшлик». Дил торларин чертиб... 14.45 Санъат усталари. Турсунхон Жафорова. 17.25 «Яхши совға». 18.10 «Нафосат». 19.30 Ахборот. 19.50 Концерт. 20.30 Ахборот. 20.50 Юлдуз Усмонова куйлайди. 21.30 Время. 22.00 Аёл меҳри оламни безар.

ЎзТВ-II. 19.05 Ўзбек балети хорижда. 19.50 «Санников ери». Бадиий фильм, 21.20 Ҳужжатли фильм.

МТ-I. 8.30 ТСН. 8.45 Мультфильм. 8.55 Жаҳон халқлари ижоди. 9.25 Циркни ҳамма севади. 10.00 Фильм-концерт. Болалар учун фильм. 11.35 Ҳужжатли фильм. 12.25 П. И. Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал» балети. 15.20 Дам олиш программаси. 16.20 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 16.50 Концерт. 18.50 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 20.50 Мультфильм. 20.15 «Омадли аёллар». Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 Время 22.00 Ҳинд киносининг мухлисларига. Фильм-концерт. 23.00 «54 ёшга тўлганимда». Бадиий фильм. 00.25 Рақслар, рақслар

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Концерт. 9.10 Ритмик гимнастика. 9.40 Ополда поляк қўшиқлари фестивали. 10.25 Синхрон сузиш. 11.10 «Оила» телепрограммаси. 12.55 Л. Гурченко бенефиси. 14.10 Коллаж. 14.15 Баскетбол. Корач кубоги. 15.35 Юрий Прохоров чалади. 15.40 Ҳужжатли фильм. 15.50 Мультконцерт. 16.20 «Китнинг тишини қандай сугуриб олиш мумкин». Бадиий фильм. 17.50 «Дадамни қандай қилиб йўлга солса бўлади». Бадиий фильм. 19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар! 22.20 Мультфильм. «Хушрўй йигит». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

9 март, Жума

ЎзТВ-I. 9.00 Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди. 10.00 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм, 11.10 Фильм-концерт. 11.40 «Вўстон». Тележурнал. 12.45 «Покланиш йўлидан». 13.15 Баҳс. 17.30 Мультфильм. 17.40 Қўшиғим жон қўшиғим. 18.20 Қадрият. 18.50 Фан уфқлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Алифбо сабоқлари. 20.20 Манзарали фильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Ғулжой Муҳамедова рақсга тушади. 21.30 Время. 22.00 Одобнома. 22.15 «Нофелет қаерда?» Кинокомедия.

ЎзТВ-II. 19.05 «Дўстлик» программаси. 20.05 Ҳужжатли фильм. 20.40 Объективда — қайта қуриш.

МТ-I. 8.30 ТСН. 8.50 Сиз яратган бог. 9.20 Уй академияси. 9.50 Болалар рассомлари қаерда бўлади? 10.30 Ҳайвонот оламида. 11.30 Концерт. 11.50 «Гроров». Бадиий фильм. 13.35 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 14.55 9-студия. 15.55 «Аёл бўлиш осонми?» 17.55 Останкино концерт студиясида. 19.15 Мультфильм. 19.30 Камалак 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.15 «Омадли аёллар». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 Бу бўлган... бўлганди... 22.20 Ниғоҳ. 23.50 «Сан-Ремо-90» фестивали.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Ҳужжатли фильм. 9.30 «Қум соат». Бадиий фильм. 11.00 Қўшиққа бахшида умр. 12.10 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 12.40 «Осиё овози». 1-қисм. 14.00 «Тунда оқ отларда». Бадиий фильм, 5-серия. 15.00 Совет Россияси видеоканали. 17.30 «Баҳодир.» Бадиий фильм. 18.40 Мультфильм. 19.00 Время 19.30 «Презентация-2». 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 НЛО. Эълон қилинмаган ташриф. 1-қисм. 21.30 Гандбол. Жаҳон чемпионати. 22.25 Мамлакат театрлари намойиш этади. 23.40 Киноконцерт. 00.25 «Мсье Перришоннинг саёҳати». Бадиий фильм.

10 март, Шанба

ЎзТВ-I. 9.00 Ассалому алайкум. 10.00 «Чорраҳа». 10.30 Фильм-концерт. 11.00 Алифбо сабоқлари, 4-кўрсатув. 11.30 Сирли сандиқ. 12.35 Спорт программаси. 13.35 Телевизион миниатюралар. 14.45 «Чорвадор». 15.15 Ўқитувчи кадрлар маскани. 15.50 Телефильм. 16.10 «Иш ўнгидан келганда...» 16.50 Қўғирчоқ фильм. 17.10 «Тенгдошлар». 17.55 Дўстлик экрани. 18.55 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Хотира. 20.30 Ҳафтанома. 21.10 Оқшом эртаклари. 21.30 Время. 22.00 Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 23.00 Рақс — дўстлик элчиси.

ЎзТВ-II. (Душанбе.) 9.00 Адабий музиқий кўрсатув. 9.55 Абдулла Қаҳҳор. «Тобутдан товуш». 12.55 Шафқатсиз романс» Бадиий фильм. Фрунзе. 16.05 Мультфильм. 16.15 Реклама. 16.30 «Байка». Бадиий фильм. 17.55 Дўстлик экрани. 18.55 Фан ва техника. 19.05 Қирғизистон олтини. 19.20 Ҳужжатли фильм. 20.00 Меагил. 20.30 Фильм-концерт. 21.00 Хазил — чини аралаш. 21.30 Время. 22.00 «Клиника». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.30 ТСН. 8.45 Спорт ҳамма учун. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Қисқа метражли бадиий фильмлар. 13.45 Дунё бўйлаб 14.45 Здоровье. 15.30 Мусиқий киоск. 16.00 Қишлоқ янгиликлари. 17.15 «Марафон-15». 18.45 Фигурали учиш. 20.15 «Омадли аёллар». Бадиий фильм, 5-серия. 21.30 Время. 22.00 Абадият ҳақида ўйлар. 22.15 Телекоп. 22.30 Хоккей. СССР чемпионати. 23.40 «Сан-Ремо-90» фестивали.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Фильм-концерт. 9.10 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 9.40 «Чукотка бошлиғи». Бадиий фильм, 11.10 Мультфильмлар. 11.40 СССР халқларининг VII қишки спартакиадаси. 12.10 Ҳужжатли фильм. 12.35 Осиё овози, 2-қисм. 13.05 «Тунда оқ отларда». Бадиий фильм, 6-серия. 15.00 Совет Россияси видеоканали. 17.30 Планета, 18.35 Ҳаёт қўшиқ билан. 19.00 Время. 19.30 Биз яшаётган дунё. 20.10 Концерт. 20.30 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 НЛО. Эълон қилинмаган ташриф. 2-қисм. 21.20 Футбол МАСК—«Динамо» (К). 22.10 «Сураткаш». Бадиий фильм.

11 март, Якшанба

ЎзТВ-I. 17.30 Касблар ҳақида ҳикоялар. 18.05 Мультфильм 18.15 Мушоҳада. 18.50 Сув — ҳаёт манбаи. 2-кўрсатув. 19.30 Ахборот. 19.45 Фильм-концерт. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 «Эшик қоқкан ким ўзи?» Видеоспектакль. 23.30 Янгиликлар.

ЎзТВ-II. Душанбе. 10.00 Фильм-концерт. 11.00 «Шафқатсиз романс». Бадиий фильм, 2-серия. 18.05 Телефильм. 18.50 Китобчанинг викторинаси. 19.30 Телетомошабин ҳамроҳи. 20.00 Ҳафта. 20.30 Концерт. 21.30 Время. 22.00 «Лейтенант Некрасовнинг айби». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.25 Спортлото. 9.40 «Омадли аёллар». Бадиий фильм, 1-серия. 10.55 Депутатлар минбари. 11.25 Кинопанорама. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 17.00 «Қизча отасини излайди». Бадиий фильм. 18.30 Концерт. 19.00 Время. 19.50 «Пульс-90». 20.30 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 21.30 Время. 22.00 «Сайлес Маркер». Бадиий фильм. 23.30 «Мезон». 23.50 Қўшиқнинг туғилиши.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 ва 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 ва 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 10.05 Инглиз тили. 10.55 Киножурнал. 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.35 Тарих. 13.05 Ҳужжатли фильм. 13.25 Телефильм. 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.00 Концерт. 18.45 Мультфильм. 19.00 Время. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.30 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 Концерт. 21.35 Гандбол. Жаҳон чемпионати. 22.45 Концерт. 23.45 Спидвей. Жаҳон чемпионати.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
12 март соат 19.30 да

«ХОРАЗМ КУЙЛАГАЙ»

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ОЛМАХОН ҲАЙИТОВАНИНГ 35 йиллик ижодий фаолиятига бағишланган ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

Программада Хоразм халқ ҳофизлари ва хонандалари, «Лазги» вокал-хореографик ансамбли, Хоразм филармониясининг солистлари иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилади.

Ўзбекконцерт
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
11 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?...»

«Қизиқчи-89» Республика кўригининг ғолиби ОБИД АСОМОВНИНГ

ЯНГИ ҲАЗИЛ ВА ҲАЖВИЯ ПРОГРАММАСИ

Программада Соҳибжон МАМАСОЛИЕВ ва Баҳром МАҲМУДОВ қатнашадилар.

Постановкачи-режиссер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙЎЛЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ РСФСР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ОИЛАЛАРНИ

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ

КЎЧИШНИ ХОҲЛАГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

— ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 1990 йил 16 мартгача;
— КИРОВ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 23 мартгача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 1990 йил 13 апрелгача;
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 18 майгача;
— КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 24 майгача;
— НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 7 сентябргача.
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга бориладиган жойга текинга етиб олиш ва ўзлари билан 2 тоннагача юкни бепул олиб кетиш ҳуқуқи берилади, бир йўла ёрдам пули тўланади, турар жой ёки квартира, ҳовлисида керакли биноларр бўлган томорқа берилади.

Янги кўчиб келганлар икки йил мобайнида квартира ҳақидан озод этиладилар.

РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

ШАҲАРЛАРДА — шаҳар, область ишга жойлаштириш марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;

НУКУС ШАҲРИДА — ҚҚАССР республика марказига;

РАЙОНЛАРДА — ишга жойлаштириш бюроларига;

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Космонавтлар проспекти, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

Ўзбекистон ССР Адлия министрлигининг Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ бўлимлар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Фарғона областлараро бўлимига: мудир, илмий ходим ва кичик илмий ходим (автомобилчи-инженерлар), **илмий ходим** (бухгалтерия ҳисоб-китоби), **кичик илмий ходим** (қурувчи-инженер);

Андижон бўлимига: мудир, кичик илмий ходим (қурувчи-инженер), **кичик илмий ходим** (бухгалтерия ҳисоб-китоби);

Самарқанд областлараро бўлимига; мудир, илмий ходим (бухгалтерия ҳисоб-китоби), **илмий ходим, кичик илмий ходимлар** — 2 (автомобилчи-инженерлар), **илмий ходим** (криминалист), **кичик илмий ходим** (қурувчи-инженер);

Сирдарё областлараро бўлимига: мудир, кичик илмий ходим (автомобилчи-инженерлар);

Қашқадарё областлараро бўлимига; мудир, кичик илмий ходим (автомобилчи-инженерлар);

Сурхондарё областлараро бўлимига: илмий ходим (автомобилчи-инженер);

ТОШКЕНТ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА: суд-автотехника экспертизаси лабораториясининг **кичик илмий ходими** (автомобилчи-инженер).

Конкурс муддати — 22 мартгача.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, 115-алоқа бўлими, Чилонзор кўчаси, 29-уй.

САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг В. Д. ЖУРИН НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЕ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: суғориш жараёнларини прогнозлаш ва бошқариш бўлими;

лабораторияларнинг мудирлари: суғориш жараёнларини моделлаштириш, технологик жараёнларда АСУ;

лабораторияларнинг катта илмий ходимлари: сув омборлари, бетон ва темир-бетон;

илмий ходим: сув омборлари лабораторияси.

Конкурс муддати — 5 мартгача.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700187, Тошкент шаҳри, 4-Қорасув, 11-уй.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Польшанинг «Варшава» цирки ва совет цирки усталарининг гастроллари (3/III да 16.00, 19.00), 4/III да 12, 15, 18.00).

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг марказий аппарати жамоаси текширув-тафтиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари У. Э. Раҳмоновга онаси

Аллабу ЭРНАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети коллективи жумҳурият радиоси мусиқавий эшиттиришлар Бош муҳарририятининг катта муҳаррири Б. Исроиловга онаси

Баҳор ХОЛТУРАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04120. № 53. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12